Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1998 йил 10 октябрь, шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 78(7074)

Da'vat

Биз учун истиқлол - миллатимиз, мамлакатимизнинг жаҳонда обрў-эътибори, шон-шарафини кўтарадиган соғлом авлодни, ҳар жиҳатдан баркамол ва фидойи ўғил-қизларни тарбиялаш, уларни вояга етказиш ва бахтини кўришдир.

Ислом КАРИМОВ

Ibrat

Шаҳрихон туманидаги «Садо» савдо-ишлаб чиқариш фирмаси ўз оталигидаги 44-мактабнинг 20 нафар иқтидорли ўқувчилари учун стипендия жорий этди. Уларнинг ҳар бирига минг сўмдан стипендия берила бошланди.

JUMLADA JAHON

•Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан, Россия Федерацияси Президенти Борис Ельцин шу йилнинг 11-12 октябрь кунлари давлат ташрифи билан Ўзбекистон Республикасида бўлади.

• Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича ҳукумат комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

• Руминия парламентининг ташқи сиёсат комиссияси раиси Георгий Присакару бошлиқ делегация Олий Мажлисга ташриф буюрди.

• НАТО Косоводаги можароларга аралашиб турган бир шароитда Американинг махсус вакили Ричард Холбрук Югославия Президенти Слободан Милошевич билан музокараларни давом эттирмоқда.

• Чечнистонда Буюк британиялик тўрт фуқаро ўғирлаб кетилган, улар бу ерда уяли алоқани ўрнатишга кўмак бериш учун келган муҳандислар эди.

•Хитой ҳукумати давлат аҳамиятига эга бўлган ҳужжатларни ноқонуний йўл билан олганликда айблаб, Японияннинг йирик газеталаридан бири «Иомкури» мухбири Юкихиса Накацуни мамлакатдан чиқариб юборди.

ТАЙЁРГАРЛИК ИШЛАРИ АВЖИДА

Ислом оламида юксак обрў-эътибор қозонган улуғ ватандошимиз, ҳадис илми равнақига бебаҳо улуш қўшган буюк аллома Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги тобора яқинлашмоқда.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг ушбу қутлуғ санани кенг нишонлаш ҳақидаги қарорига мувофиқ бутун мамлакатимизда тайёргарлик ишлари авж олиб кетди. Ҳазрат мангу қўним топган табаррук қадамжо — Челак туманидаги Хартанг қишлоғи улкан қурилиш майдонига айланди. Бу ерда миллий меъморчилигимиз анъаналар асосида муҳташам ёдгорлик мажмуи бунёд этилди. Мажмуа таркибига кирувчи масжид, мадраса, кутубхона ва меҳмонхоналарда сўнгги пардозлаш ишлари ниҳоясига етмоқда.

Тажрибали сангтарошлар, силлиқловчилар, тош терувчилар хориждан келтирилган энг нодир ва қиймат-баҳо тош — ониксни жойжойига ўрнатиш билан шуғулланмоқдалар. Ўймакорлик санъатининг ҳақиқий намунаси бўлган учта ҳашаматли дарвозани ўрнатишга ҳозирлик кўрилмоқда. Мажмуа атрофида кенг кўламда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилаётир. Пойтахт корхоналарида махсус қуйилган ва ўзига хос кўриниш касб этадиган ёритқичлар ўрнатилаяпти. Фавворалар эса аллақачон ўз чиройини намойиш эта бошлаган.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, юбилейга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита раиси Исмоил Жўрабеков бошчилигидаги қўмита аъзолари мажмуада олиб борилаётган сўнгги тайёргарлик ишлари билан танишди. Бу борада йўл қўйилган айрим нуқсон ва камчиликларга эътибор қаратилди, уларни тезда бартараф этиш чоралари белгиланди.

Ташкилий қўмита аъзолари, шунингдек, Даҳбед қўрғонида Нақшбандия тариқатининг йирик намояндаси Маҳдуми Аъзам зиёратгоҳи мажмуида олиб борилаётган таъмирлаш ишларини кўздан кечирдилар.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Н. Жўраев, Бош вазир ўринбосари Ҳ. Караматов, Самарқанд вилояти ҳокими А. Мардиев иштирок этди.

Ҳамза ШУКУРОВ,
ЎзА мухбири.

Ўқитувчи ёш дафтарига

ИККИ ҲИССА ТЕЗ

Маълумки, Миср эҳромлари - пирамидалар ичидаги нарсаларга вақт жуда сust таъсир қилади.Хўш, пирамидалар тўнтарилган ҳолда бўлса-чи. Олимлар шундай моделни ясашди ва юксак натижаларга эришди. Тўнтарилган пирамидаларда вақт ва унинг ичидаги нарсалар балоғати тезлашиб кетар экан. Бу жойга қўйилган бугдой уруғи икки баробар тез етилиб, икки баробар кўп ҳосил берди.

ЭҲТИМОЛДАГИ ЯНГИ ТАҚВИМ

Мутахассислар мукаммал деб топмаган ҳозирги григориан тақвими ўрнини эгаллаши лозим бўлган янги тақвим учун танлов эълон қилинганидан хабарингиз борми? Айни кунда, эҳтимолдаги бир қанча лойиҳалар ичида жаҳон кўзгу симметрик тақвими ҳам бор. Мазкур тақвимнинг ҳар ойи тўрт ҳафтадан (28 кун) иборат бўлиб, бир йил 364 кеча-кундузга тўғри келади ва унда душанба ҳар доим ойнинг 1, 8, 15 ва 22 кунларига тўғри келаверади.

МУТАХАССИСЛАР ФИКРИЧА...

Аёллар эркаклардан кўра сергапроқ, деган фикр нотўғри экан. Денвер университети (АҚШ) мутахассислари ўтказган кузатишлар натижаси эркакларнинг аёлларга қараганда кўпроқ гапиришларини кўрсатди. Фақат, эркаклар аёллардан фарқли ўлароқ, муайян мавзуда ёки аниқ бир масала хусусида сўзлашар эканлар.

ГАЛИЛЕЙ МАКТУБИ МИТТИ КИТОБДА

Энг кўп саҳифали китоб сифатида Хитойда, ХУП асрда яратилган 853450 саҳифалик қомусий китоб тилга олинади. Шунингдек, энг митти китоб 1896 йилда Италияда чоп этилган бўлиб, унинг катталиги бош бармоқ тирноғининг ҳажмича келади. Бу митти китобда Галилейнинг мактуби босилган. Дунёдаги энг катта қўлёзма эса, Фив мақбараси деворларидадир. Мазкур тошкитоб саҳифалари энига 40 метргача боради.

Tajriba-sinow maydonchalarida

ҲАР КИМНИНГ ЎЗ ВАЗИФАСИ БОР

Ҳозирда республикамизнинг кўпгина мактабларида янги ўқув дастури, режаси ва дарсликлар асосида олиб борилаётган тажриба-синови кўпчиликни қизиқтирмоқда. Айниқса у ерда ишнинг қандай ташкил этилиши, иштирокчиларнинг вазифалари ҳамда натижалар таҳлилига оид масалалар юзасидан таҳририятимизга саволлар келиб турибди. Бу ҳол табиий. Негаки, таълим-тарбия борасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг илк ниҳоллари бўлган бу таълим масканлари фаолияти ҳадемай барча мактабларга кўчади. Ўзбекистон Республикаси педагогика фанлари илмий тадқиқот институтининг таълим мазмуни ва стратегиясини белгилаш бўлими катта илмий ходими, педагогика фанлари номзоди Аҳмаджон УМРОНХЎЖАЕВ билан мусоҳабамиз шу мавзу атрофида бўлди.

— Келинг, аввало, тажриба олиб борувчи ўқитувчи (экспериментатор)нинг вазифалари хусусида тўхталсангиз?

— Ўқитувчининг ўқувчиларга бевосита таълим беришини, улар билан тўғридан-тўғри мулоқот олиб боришини назарда тутсак, ўқитувчи (экспериментатор)га юкланган вазифанинг нақадар оғир эканлигини ҳис этамиз. Биринчи галда у нимани, қандай қилиб ўқитиш керак, деган саволга тўғри жавоб топмоғи керак. Бунинг учун эса ундан билимдонлик, ривожланувчанлик, йўналтирувчилик, сафарбарлик, лойиҳачилик, ташкилотчилик, тадқиқотчилик каби хусусиятлар талаб этилади.

(Давоми 2-бетда)

Tanlov

БИЗНИНГ ЭНГ ЯХШИ ҚЎШИҒИМИЗ

... Ва ниҳоят газетамизнинг «Устозлар ҳақида энг яхши қўшиқ» танлови якунланди. Ўтган вақт мобайнида таҳририятимизга хат ғилофларда ўнлаб қўшиқлар оқиб келди. Уларнинг ҳар бирида устоз деган муқаддас калом мадҳ этилган, шарҳ этилган.

Биз газетамизда чоп этилган ана шу қўшиқларни ўз ходимларимиз ҳамда Республика бастакорлар уюшмаси ҳамкорлигида тузилган ҳакамлар ҳайъати биргаликда кўриб чиқдик. Хулоса шундай бўлди:

«Устозларим» қўшиғи, Салтанат Ўринова шеъри, Ҳабибулла Раҳимов мусиқаси, биринчи ўрин.

«Бахтимизга соғ бўлинг» қўшиғи, Азамат Суюнов шеъри, Дилором Омонуллаева мусиқаси, иккинчи ўрин.

«Муаллим» қўшиғи, Иброҳим Жиянов шеъри, Ҳурриятт Исроилова мусиқаси, учинчи ўрин...

Ғолибларни газетамиз жамоаси номидан қутлаб, барча устозлар номидан миннатдорчилик изҳор этган ҳолда яна бир нарсани айтмоқчимизки, тақлов ғолибларига — **биринчи ўрин учун 15 минг сўм, иккинчи ўрин учун 10 минг сўм, учинчи ўрин учун эса 5 минг сўм** пул мукофотлари берилади.

Алишер НАЗАР

Ҳовдак кўлидаги дарс
3-бет

Obuna - 99

Ғиждувон туманидаги 127-лицей директори Иброҳим Шодиевни таҳририятимиз жамоаси обдон билади. Сабаби: у киши кўп маърифатли, «Маърифат»парвар одам. Раҳбарлигидаги лицей туманнинг олд ўқув даргоҳларидан. Ўз иш услубию меҳнат тажрибалари билан сиз ҳам газетамиз орқали танишгансиз, азиз муштарий.

Куни кеча бизга бир мужда етиб келди. Домла биринчилар қаторида бир йилга «Маърифат»га обуна бўлибдилар. Кўнглимиз кўтарилди.

Дарвоқе, ушбу мужда биздаги бир ният учқунини алангалантириб юборди. Биринчилардан бўлиб «Маърифат»га бир йил учун обуна бўлганларнинг суврати газетамиз саҳифаларида муҳр топади. Зеро, янгиликка интилувчи, ахборотга иштиёқманд ўқитувчи — шу замон ўқитувчисидир.

«Маърифат»лиларга ёндош бўлишга шошилинг.

Алломалар гурунги
4-бет

Sinab ko'ring

«УЧАР ГИЛАМ»ДА МОЗИЙГА САЁҲАТ

Тарихни ўқитишнинг шакл ва усуллари тизимида ўқув ўйинлари алоҳида ўринни эгаллайди. У янги педагогик технологиянинг таркибий қисмларидир биридир. Ўқув ўйинларидан фойдаланиш ўқувчиларнинг мустақил мантиқий фикрлаш қобилиятини ривожлантиради ва билимини пухта бўлишига замин яратади.

Тарихий ўқув ўйинларини икки гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳга 2-6 ўқувчига мўлжалланган кичик тарихий ўйинлар: муаммонома, чайнворд, хронологик топшириқларнинг жавобини топиш, тарихий лото, турли викторина саволларига тўғри жавоб бериш ва ҳоказоларни киритиш мумкин.

Иккинчи гуруҳга эса синфдаги барча ўқувчиларни, баъзида бир неча синф ўқувчиларининг иштирокини талаб этувчи тарихий конкурслар, тимсолли ўйинлар киради. Шуларнинг ичида тарихий тимсолли ўйинлар ўқувчиларнинг билиш фаолиятини жамоа тарзида ташкил қилиш шакли ва ўзига хос хусусиятларга эга бўлган ўқув ўйини туридан биридир. Жумладан, мазкур ўйин мобайнида ўқувчилар ўйин сюжети ҳамда ўзларига тақсимланган тимсоллар асосида тасаввур қилинган ўтмиш ва замонамиз воқеаларини аниқ мақсадга қаратилган ўйин ҳаракатлари орқали амалга оширадилар.

Ўқувчиларда тарихий шароитни яхши билиши, урганилаётган воқеаларнинг сабаб, оқибатлари ва аҳамиятини таҳлил қилиш ҳамда моҳиятини теран тушуниш қўникмасининг шаклланганлиги ушбу ўйин муваффақиятини таъминлайдиган муҳим омилдир. Шу билан бирга ўқитувчи ўқувчиларни ўйинга психологик жиҳатдан тайёрлаши ҳам муҳим аҳамият касб этади.

(Давоми 2-бетда)

Do'st achitib gapirar

АЛДАГАНИ БОЛА ЯХШИ... МИ?

Икки қаватли нураб ётган бино олдидан ўтиб кетаётган эдик, бир гуруҳ болакайларнинг қий-чуви қулоғимизга чалинди.

-Бу ер қандай жой— деб улардан сураган эдик, бир ўғил бола : «Болалар уйи»—, деди.10-12 ёшли қизча эса секингина - «Бу «Меҳрибонлик уйи», сиз ҳам бирортасини жойлаштиргани келдингизми?»,-деди. Савол назари билан ҳамон ўткир нигоҳларини тикиб турган бояги қизчага бир дақиқа нима деб жавоб беришни билмай қолдим.

—Мен сизлардан ҳол-аҳвол сўрагани келувдим, дедим. Шу пайт қизча қувонганидан кўзларига ёш олиб, қарсак чалиб юборди.

Биз «Меҳрибонлик уйи»даги шарт-шароит билан танишдик. «Қамаши шаҳар Мирзо Улуғбек номли 4-меҳрибонлик уйи», деб ёзиб қўйилган чиройли лавҳа кўзга ташланади. Афсуски, атрофга муаттар ҳид таратаётган анвоий гулларни ёввойи ўтлар қоплаб, сувсизликдан қовжираб қолаётганлиги дилимни ранжитди. Ҳовли ифлос, супурилмаган. Ичкарига кирдим. Икки аёл тушлик қилишаётган экан. Салом-аликдан сўнг ўзимни таништириб, мақсадимни айтдим.

—Мен «Меҳрибонлик уйи» директори Шарофат Шоймардоновамман,- деб ўзини таништирди ўрта бўйли, қорачадан келган аёл.

(Давоми 3-бетда)

XABARLARI — MMM

BO'LAJAK VATAN HIMOYACHILARI

Xonobod shahridagi 2-maktabning boshlang'ich harbiy ta'lim o'qituvchisi Sultonbek Ahmedov o'zining 40 yillik ish tajribasidan kelib chiqib, ish olib boradi. Harbiy qismlardagidek jihozlangan maxsus sinfda darslar vatanparvarlik ruhida, qat'iy intizom asosida olib boriladi. S.Ahmedovning samarali mehnati mahsulini Respublikamizning deyarli barcha harbiy o'quv muassasalarida bilim olayotgan bo'lajak vatanparvarlar misolida ko'rish mumkin.

Sh. KELDIYEV

OTA-ONALAR O'QUVI

G'ijduvon tumanidagi 3-iqtidorli bolalar maktab-internatida doimiy ishlab turuvchi ota-onalar o'quvi tashkil qilindi. Bundan ko'zlangan maqsad yosh avlod tarbiyasida maktab, mahalla va oila birligiga erishishdan iborat. O'quv maskanida navbatdagi ota-onalar o'quvi «Umumiy o'rta ta'lim davlat standartlari» mavzusiga qaratildi.

H. AMANOVA

OHANGLARGA KO'CHGAN MUHABBAT

Namangan viloyat madaniyat saroyida ustozlarni madh etuvchi qo'shiqlar tanlovi o'tkazildi. Tanlovda istiqlolni, Vatan va millat kelajagini yaratuvchi ustozlarni tarannum etuvchi yangi qo'shiqlar kashf qilindi . Tadbirda O'zbekiston xalq artisti O'rinboy Nuraliyev ishtirok etib g'oliblarni faxriy yorliqlar va qimmatbaho sovg'alar bilan taqdirladi.

M. KARIMOVA

YANGI MAJMUA OCHILDI

Kegayli tumanidagi O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirligining qaroriga asosan 1-son maktab-bog'cha majmuasi tajriba-sinov maydonchasi etib belgilangan edi. Yaqinda ushbu muassasaning ochilish marosimi bo'lib o'tdi. Tadbirda Qoraqalpog'iston Respublikasi Bazirlar kengashi raisining o'rinbosari T.Otamurotov va Qoraqalpog'iston Respublikasi Xalq ta'limi vaziri B.Sultonov, tuman XTB mudiri J.Sarshayev ishtirok etdi.

G'. YOQUBOV

MMM — XABARLARI

Tajriba-sinov maydonchalarida

ҲАР КИМНИНГ ЎЗ ВАЗИФАСИ БОР

(Боши 1-бетда)

Дарсда ўқитувчи қуйидаги омилларни аниқлаши зарур: эксперимент жараёнида ўзининг ҳаракатига болаларнинг муносабатини ҳамда қўлга киритилган педагогик натижага педагогик баҳо беришни. Бу ўринда ўқитувчи жараённи тўлиқ кузата билиши лозим. Мақсадга йўналтирилган кузатув давомида тубандагиларга алоҳида эътибор беришга тўғри келади:

— берилган саволларга ўқувчилар жавоби;

— масала ёки машқ шартининг қанчалик даражада тушиниб етилганлиги;

— топшириқни бажариш режаси ёки унинг тартиби;

— машқнинг бажарилиш жараёни;

— ўқувчининг диққати нимага жалб қилинганлиги;

— ўқув вазифаларини бажаришда ўқувчилар томонидан йўл қўйилаётган типик хатолар;

— қўлланаётган методик усулнинг ёки услубнинг, дидактик воситанинг самараси.

Тажриба-синов дарсларининг натижалари ва улар асосида олинган хулосалар оммавий тарзда урта умумтаълим учун асос булиб қолажагини ёдда тутган ҳолда, тажриба-синов самарадорлигини ошириш баҳонасида бошқа ўқув фанлари ҳисобига ёки дарсдан кейин қўшимча машғулотлар ҳажмини зўраки кўпайтириш ярамайди. Бунинг ўрнига белгиланган соатларда, асосий машғулотларда таълимнинг ривожлантирувчи жиҳатига, дарсда болаларда мустақил билим олишлари учун дарслик ва қўшимча адабиётлар билан ишлаш кўникмасини ҳосил қилишга интилиш лозим. Токи жараёндаги фаоллик кўпроқ ўқувчида бўлишни таъминлансин. Бир сўз билан айтганда, ўқитувчи-экспериментатор фаолияти педагогик тадқиқотлар ўтказишнинг изланиш ва бошқа методлари билан узвий боғланиб кетади. Бинобарин, тажриба-синов ўтказувчи ҳам тадқиқотчи, ҳам методист бўлиши лозим.

— Унда тажриба-синовда қатнашадиган методист, илмий раҳбар ва эксперт зиммасида қандай ишлар қолади?

— Методист ва ишчи гуруҳ аъзолари тажриба-синовнинг ташкилий жиҳатлари билан шуғулланишади. Экспериментал материалларни ишлаб чиқиш, саралаш, муайян дарс материали учун ўқитишнинг методлари, усул ва услубларини танлашда экспериментатор-ўқитувчи билан ёнма-ён бўлиши керак. Илмий раҳбар эса дарс учун сараланган материалларнинг яроқли-яроқсизлигини олдиндан кўра олиш салоҳиятига эга бўлиши билан бирга тажриба-синовнинг илмий-методик сифатига масъул шахсдир.

Эксперт масаласига келганда, у ўз моҳияти билан таълимнинг ҳар бир босқичидаги дидактик таъминоти, оралиқ, чораклик, ярим йиллик ва ўқув йили якунида ўтказиладиган умумий назорат ишларида қатнашади, натижаларни таҳлил қилади, ўтказилган экспериментга баҳо беради. Шу маъсулиятдан келиб чиқиб, у эксперимент учун тайёрланган материалларни вақти-вақти билан шаҳодатдан ўтказиб туриши керак. Аммо чораклик, ярим йиллик ва йиллик назоратни амалга ошириш учун керак буладиган тест ва бошқа назорат қилиш воситаларини Давлат таълим стандартлари асосида тузиши ҳамда унинг сирлилигини назорат бошлангунга қадар сақлаши керак.

— Ҳар қандай янгиликни синаб кўришда, аввало, тажрибага тортилувчи объект ҳамда субъектнинг тажрибагача бўлган ҳолати ўрганиб чиқилади...

— Саволингизга тушундим, чамамда у ёки бу ўқув фани бўйича болаларнинг бир йил олдинги эгаллаган билим ва малакалари ҳолати қизиқтирмоқда сизни.

Албатта, педагогик экспериментда ўқитиш натижалари қиёслаш методи билан аниқланади. Бинобарин, тажриба-синов ишларининг йил бошидан бошланиши уларнинг билим даражаларини объектив равишда аниқлаш имконини беради. Чунки йил бошидаги тест-синов ўқув йилининг биринчи ёки иккинчи ҳафтасига, яъни ўтган йилги материалларнинг такрорлаш вақтига тўғри келади. Тестлар тузишга келганда улар мавзувий ихчам, кўп вариантли жавоблар билан таъминланган бўлиши лозим. Шуни ҳам алоҳида таъкидламоқ керакки, ҳар бир тестнинг жавоб вариантлари саволнинг мантиқига мос бўлиши лозим. Навбатдаги босқич тест саволларига берилган жавобларни таҳлил қилиш билан якунланиши ва уни эксперимент якунигача қиёслаш учун сақлаб қўйиш керак.

А. РАҲИМОВ
суҳбатлашди

ТАҲРИРИЯТДАН: *Албатта, тажриба-синов майдончалари деб тан олинган мактабларда ишнинг кўнгилдагидек ташкил этилиши, олинажак натижанинг самараси таълим тизимидаги ислоҳотнинг кенг қуламда давом этишини таъминлайдиган асосий омилларидан бири бўлиб қолади. Газетамизда бу мавзу билан боғлиқ бошқа жиҳатлар, ўқитувчи-экспериментаторларнинг дарслари таҳлиллари ҳамда тажриба-синов натижалари билан сизларни мунтазам таништириб борамиз.*

Sinab ko'ring

«УЧАР ГИЛАМ»ДА МОЗИЙГА САЁҲАТ

(Боши 1-бетда)

Мазкур ўйинни 7-синф тарих фанидан умумлаштирувчи дарсларда қўллаш мақсадида ўқувчиларга қуйидаги топшириқ берилади: ҳозирги фантастик ёзувчилар келажакда истаган мамлакат ва даврларга етказадиган учувчи вақт аппарати – учар гиламни яратиш ғоясини илгари сурмоқдалар. Фараз қилинг, сизлар вақт аппаратида ўрта асрлардаги хоҳлаган мамлакатингизда саёҳат қилиш имкониятига эгасиз. Шундай экан, «учувчи вақт аппарати» (учар гиламда)да учиш дастурини тузинг:

1.Сиз бормоқчи бўлган асрни (йилни кўрсатинг).

2.Боришга хоҳишингиз бўлган мамлакат номини айтинг.

3.Саёҳат мобайнида қайси рол (тимсол)ни бажармоқчи (ўйнамоқчи) эканлигингизни ўзингиз танланг:

а) замонавий одам(тарихчи олим, 7-синф ўқувчиси, ёзувчи, санъатшунос ва ҳ.о.);

б) ўрта асрлар даврининг вакили (шоир, олим, ҳунарманд, савдогар, деҳқон, саркарда, зодагон, хон, вазир, солиқ йиғувчи ва ҳ.о.).

4.Ўзингиз танлаган аср (йил), мамлакат ва тимсолни асосланг.

5.Саёҳатингизнинг мақсадини аниқланг. «Учиш» якунида қўрганларингиз ҳақида ҳикоя баённомасини тузинг. Саёҳат мақсадига қараб баённомага одамларнинг меҳнат ва жанг қуроллари, ташқи қиёфаларини тасвирланг, шунингдек, меъморчилик ёдгорликлари, ушбу даврга оид санъат асарлари саёҳат вақтида учрашишга муяссар бўлинган атоқли тарихий шахсларнинг таъриф, тавсифи, ўша давр одамлари билан сиз олиб борган суҳбатни киритинг.

Очиғи, ўқувчилар бу каби топшириқларни қизиқиш билан қабул қиладилар ва бажарадилар.

Сирасини айтганда, тимсол ўйин турлари хилма-хил бўлиши мумкин. Булар: тасаввур (фараз) қилинган саёҳат, тақсимланган тимсоллар асосидаги мунозара, матбуот-конференцияси, суд дарслари ва ҳоказолардир.

Матбуот конференцияси саҳнасида маъмурият, партиялар, давлатнинг турли социал гуруҳлари, шунингдек, телерадиокомпания вакиллари ҳамда газета ва журнал шарҳловчиси тимсолида қатнашиши кўзда тутилган. Бундай саҳнавий ўйин дарслари эса ўтмишдаги ва замонамизнинг у ёки бу муаммоларининг моҳиятини сиёсатшунослар, тарихчи, ҳарбий мутахассислар чиқишлари орқали очишга ёрдам беради.

Тарихимизни ўрганишда ўқувчиларни изланишга чорлаб, уларнинг тарихий тафаккурини ривожлантиришга хизмат қилувчи топшириқлар ҳам муҳим ўрин тутади. Чунончи,

«Шарқ дунёсининг буюк сиймолари» рукни остида шу йили таваллудининг 1200 йиллиги жаҳон миқёсида нишонланадиган Аҳмад ал-Фарғонийга бағишланган викторина саволларига тўғри жавоб бериш шулар жумласидандир:

1.Аҳмад ал-Фарғоний туғилган жойи қаерда ва у ҳозир қандай аталади?

2.У асосан қайси фанлар бўйича ижод қилган ва ҳозирги кунда унинг нечта асари бизларга маълум?

3.Улуғ алломанинг XII-XIII асрларда лотин ва Европа тилларига таржима қилинган энг машҳур асарининг номини айтинг.

4.Мазкур асарнинг машҳурлиги нимада?

5.Буюк ватандошимиз Европада қайси исм билан ном қозонди?

6.Европанинг буюк шоирларидан кимлар унинг номини эҳтиром билан тилга олганлар?

7.Мисрда яшаган чоғида олим нимани ихтиро қилган?

8.Олимнинг қайси назариясини буюк математик Эйлер амалиётга татбиқ қилди?

9.Буюк алломанинг ижодий фаолияти қайси шаҳар ва қандай илмий марказ билан боғлиқ?

10.Урта асрларда юртимизда қандай илмий Марказ (академия) фаолият кўрсатган?

Умуман, бу каби машғулотларни самарали ўтказиш кўп жиҳатдан ўқитувчиларнинг педагогик маҳорати ва ёшларда ижодий завқ уйғота билишига боғлиқ.

С. МАҲКАМОВ,
РТМ тарих ва ижтимоий фанлар бўлимининг мудири

Xalq ta'limi va hokimiyat

БИЗДА «ЯКШАНБА МАКТАБЛАРИ» БОР

Мана, яна навбатдаги янги ўқув йили бошланиб, унинг дастлабки биринчи ойи ҳам ортда қолди. Хўш, бу йил жойларда янги ўқув йили қандай бошланди? Одатдагидек ўзгачами? Агар ўзгача бўлса, бу ижобийми, салбийми? Ўз-ўзидан шундай саволлар туғилади.

Биз яқинда Жиззах вилоятининг Бахмал туманида бўлганимизда туман ҳокими Муса Анарбоев билан учрашдик. Ҳоким билан мулоқот қилар эканмиз, айнан ҳозиргина айтиб ўтган саволларга жавоб изламасак-да, шу хил маънодаги жумбоқларга аниқлик изладик.

- Муса ака, биз тумандаги айрим фойдаланишга топширилаётган янги мактаб бинолари тантаналарида, баъзи оталиқ ташкилотларида, ўқувчилар ҳузурида бўлиб, бир олам таассуротлар билан ҳузурингизда ўтирибмиз. Дилда мавжланган қувончларимизу, айрим ечимсиз саволларни сиз билан муҳокама қилмоқчимиз. Даставвал билмоқчи бўлганимиз, тумандаги бугунги таълим-тарбия соҳасида олиб борилаётган ғамхўрликлар хусусида айтсангиз?

- Аввало шуни айтишим керакки, Бахмал табиати ранг-ранг. Кўпгина мактабларимиз тоғ ён бағирларида, қирадирликларда, боғ-роғлар қуршовида жойлашган. Синфда дарс бераётган ўқитувчига сойдан эсаётган хушбўй ҳаво, боғда сайраётган қушлар навоси янада илҳом беради. Шунда мен мустақил диёримизда эришилаётган улкан неъмат—тинчлик ва осойишталикнинг «таъми»ни яна бир карра ҳис этаман. Шунда ўзимда ҳам улкан масъулиятни сезаман. Хўш, биз ана шундай озод ва мустақил Ватанимизга нима бердик?

Таълим-тарбия соҳасини оладиган бўлсак, «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»да халқ таълими тизимидаги ва кадрлар тайёрлаш борасидаги истиқбол режаларимиз очиқ-ойдин белгилаб берилди. Ҳокимлик қошида бу режаларни амалга ошириш бўйича махсус ишчи гуруҳлари ташкил қилиниб, у тумандаги 63 та умумтаълим мактаблари, 2 та лицей-интернат, 9 та болалар боғчаси, 2 та мактабдан ташқари тарбия муассасаси ва 1 та таълим-техника марказлари фаолиятини назорат остига олди. Ўқувчи ва ўқитувчиларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш, мактабларнинг моддий-техника таъминотини янада яхшилаш борасида бирмунча ишларни амалга оширдик.

Ҳар бир мактабнинг ҳомий ташкилотлари ва корхоналари 30-80 минг сўмдан пул ўтказиб беришди. Бундан ташқари мактабларни зарур қурилиш материаллари ва ҳом ашё билан таъминлашаётир. Кўпгина мактаблар қошида тажриба майдонлари мавжуд. Шунингдек, кичик корхоналар ташкил этилган. Мактаб учун ажратилган майдонларда теракзорлардан қурилиш материаллари, боғ-роғлардан эса олма ва бошқа полиз маҳсулотлари бозорларга чиқарилиб сотилмоқда. Хуллас, ўтган йили туман мактабларимизнинг тадбиркорлик туфайли эришган ялпи даромади 2 миллион сўмдан ошиб кетди.

Ўқув жараёнига келсак, бугун тест синовлари истеъдодли ёшларни аниқлаш ва касбга лаёқати бўйича уларни олий ўқув юртларига йўллашда ишончли воситага айланди. Шу синовларнинг аниқлашича, математика, физика, биология, химия ва тарих фанларидан туман кўрсатгичлари республика кўрсаткичларига тенг эканлиги маълум бўлди.

- Эшитишимизча, туманингиз мактабларида «Якшанба мактаблари» ташкил этилаётган эмиш.

- Маълумки, «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»ни амалга оширишда қатор ижобий ютуқлар билан бирга муаммолар ҳам пайдо бўлди. Масалан, 9-синфни битирган айрим ўқувчилар орасида ўқишни тўхтатиб қўйганлар ҳам топилди. Уларни лицей ёки касб-ҳунар коллежларига тортиш зарур бўлиб қолди. Бугунги айрим ёшларнинг қўшимча касб ўрганишига ёки тил ўрганишига бўлган қизиқиши ортиб бормоқда. Шунингдек, муайян олий ўқув юртларига, лицейларга, касб-ҳунар коллежларига киришни хоҳловчилар қўшимча равишда дарс тинглашни, мустақил шуғулланишни илтимос қилмоқдалар. Биз бу таклифларнинг барчасини жамлаб, ягона дастур ишлаб чиқдик. Бу дастур асосида эса дарс жадвалларини чиқариб, уни шанба ва якшанба кунларига қўйдик. Шу тариқа «Якшанба мактаблари» таркиб топди.

Якшанба мактабларининг асосий мақсади, мактаб дастуридан ташқари қўшимча билим олишни таъминлашдир.

-Туманда таълимга ҳомийлим қай йўсинда ташкил этилган?

- Туманимиздаги деҳқон-фермерлар, йирик хўжаликлар, туман ташкилотлари, саноат корхоналари мактабларни ҳомийликка олиб, етарли миқдорда моддий ёрдам кўрсатмоқдалар. Бугун кўплаб дарсликлар ҳамда кийим-кечаклари оталиқ ташкилотлари кўрсатаётган ёрдамлар ҳисобидан кам таъминланган оилалар ўқувчиларига бепул берилмоқда.

Ҳоким билан бўлган суҳбатимизни ўқиган киши Бахмалда бирорта ҳам камчилик йўқ экан-да, деб ўйлаши табиий. Бироқ бундай эмас. Ҳар қалай, иш бор жойда камчилик ҳам бор. Сирасини айтганда, бугун Бахмал туманида таълим-тарбияга жиддий эътибор қаратилган.

Абдурауф РАҲИМҚУЛОВ
суҳбатлашди

ЯНГИЛАНИШ ДАВРИ

Сирдарё шаҳри бошқа вилоятлардаги шаҳарлар каби ободонлашиб бормоқда. Мустақилликнинг етти йиллиги муносабати билан вилоятларда ва уларнинг марказларида катта ўзгаришлар юз берди. Таҳлиллар маориф тизимида ҳам сезиларли иш олиб борилганлигидан далолат бермоқда. Сирдарё шаҳридаги А.Қодирий номли 40-мактабда ҳам янги ўқув йилига тайёргарлик борасида таълим-тарбияга оид кўпгина ибратли ишлар амалга оширилди.

Мактаб яхшигина таъмирдан чиқарилди. Таъмирдан чиқариш ишларига Ўзбекистон - Қирғизистон қўшма корхонаси вакили Ботир ака Ҳасанов икки юз минг сўм пул билан ёрдам берди. Эндиликда хоналарни жиҳозлаш ишлари олиб борилмоқда.

Мактабга яқинда яна бир хушхабар келди. Мактабнинг физика-математика ўқитувчиси Алишер Тухтаев Америкага бир ойга малака ошириш учун юборилади. Албатта, вилоят, шаҳар миқёсида малака ошириш ҳам ўз самарасини бергандек, Америка мамлакатида малака ошириш ҳам дунё миқёсига чиқиш учун ўз самарасини бериши, шубҳасиз.

Холмат МИРЗАКАРИМОВ

САРИОСИЁДАГИ САРА ЛИЦЕЙ

Юртбошимиз ҳар бир туманда кўзга кўринган иқтидорли ўқувчилар учун махсус лицей мажмуасини ташкил этиш ташаббусини ўртага қўйганликлари қувончли воқеа бўлди. Сариосиё тумани бўйича энг иқтидорли ўқувчи-талабалар шубҳасиз шу тумандаги касб-ҳунар лицейида таълим олишади. Ушбу таълим маскани директори, биология фанлари номзоди Холмўмин Холмуродов лицейда бугунги кунда амалга оширилаётган ишлар ҳусусида шундай дейди:

— Лицейимиз илгари Сариосиё ўрмончилик лицейи деб номланган. Энди эса давр, ҳаёт тақозоси билан туманимиз миқёсида бошқа касб ва ҳунарларга эҳтиёж туғилиб, Сариосиё академик лицейига айлантирилди.

Биз лицейимиздаги «Маънавият ва маърифат» хонасига алоҳида аҳамият бермоқдамиз. Бу ерда талабалар учун барча ўқув плакатлари, мустақиллик ва Ватанимизни мадҳ этувчи кўплаб шиору ўқув қўлланмалари мавжуд.

Тадбиркорлик бўлимимизда эса давр талаби ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда 21 та замонавий «ДЭУ», «АГАТ-9» компьютерлари ҳамда 4 та касса аппаратлари талабаёшлар ихтиёрига берилган. Замонавий бухгалтерияни талабалар онгига сингдириш, уларни жамият учун етук мутахассислар қилиб тарбиялаш йўлида барча ўқитувчиларимиз жон қуйдирмоқдалар.

Лицейимизнинг лаборатория ва ўқув хоналари доимо талабалар билан тўла. Келгусида билим масканимизда талаба-ёшлар учун теннис корти қуришни режалаштириб қўйдик.

Ўз фанининг фидойилари Ёраҳмат Бобоев, Ашурали Назаров, Дилором Абдуллаевалар ёшларга сидқидилдан сабоқ бермоқдалар. Лицейда ошхона, кутубхона, ўқув-тажриба хоналари талабалар ихтиёрида. Бундан ташқари ёрдамчи хўжаликларимиз бор. Лицейимиз қошида «Ижод» кичик корхонаси мавжуд бўлиб, бу корхона билим юртимизни таъмирлаш ишларида ва бошқа қатор тадбирларимизда бош-қош бўлиб турибди.

Иқтидорли талабалар ҳамда фидойи устозлардан бир гуруҳини бу йил ёзда вилоят ҳокимлигининг УМКҲТ бошқармасига қарашли дам олиш уйларида бепул дам олдирдик.

Сўз сўнггида шуни айтиш лозимки, лицейимиз талаба ёшлари республика миқёсида ўтказилаётган қатор танловларда доимо фаоллик билан қатнашиб, совринли ўринларни эгаллашмоқда. Ўрмончилик, биология, рус тили ва адабиёти фанларидан бир неча бор турли мусобақаларда иштирок этиб, голибликни қўлга киритишди.

Ҳикматуллоҳ ҚОДИРОВ
ёзиб олди.

Fanimiz fidoyilari

СОБИТЛИК

Адабиётшунос олим, журналист ва педагог, филология фанлари доктори, профессор Ўткир Шокиров 60 ёшга тўлди. У 1962 йили Тошкент Давлат университети филология факультетининг журналистика бўлимини тугатгач, Узбекистон ФА А.С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтида катта лаборант сифатида ўз меҳнат фаолиятини бошлади. 1964-1967 йилларда шу институтнинг аспирантурасида ўқиб, «Иззат Султон – драматург» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Ўткир Шокиров 1968-1973 йилларда Узбекистон ФА Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейида /ҳозир Узбекистон ФА Ҳ.С. Сулаймонов номли қўлёзмалар институти/ катта илмий ходим бўлиб ишлади. У улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоийнинг 528 йиллик юбилейини ўтказишда ва шоир номидаги Адабиёт музейини ташкил этишда фаол қатнашди.

1969 йилда Жиззах вилояти Жиззах туманидаги Ҳамроқул Носиров номидаги жамоа хўжалигида Ҳамид Олимжон музейини очишди, шу йили Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган ЮНЕСКОнинг «Темурийлар даври санъати» мавзусидаги халқаро симпозиумини ўтказишда олимнинг хизматлари катта бўлди.

Олимнинг «Иззат Султон» /1970/, «Танқидчи ва адабий жараён» /1976/, «Замон нафаси ва образ» /1981/ китоблари, «Иззат Атаханович Султонов / 1970,1981 рус тилида/ иккита библиографик кўрсаттгичлари, «Узбек тилининг амалий грамматикаси» /1992/, «Русча-ўзбекча-туркча» сўзлашгич /1993/, «Ўзбек тилидан контроль ишлар тўплами» /1993/, «Диалоглар» /узбекча-русча-инглизча / 1998/ каби дарслик ва ўқув қўлланмалари нашр этилди. 150 дан ортиқ мақолалари, адабий портретлари, тақризлари матбуот юзини кўрди.

Ўткир Шокиров бутун онг-ли ҳаёти давомида атоқли олим ва драматург, академик Иззат Султоннинг илмий ва бадиий ижодини тарихий – адабий жараён билан бошқа таниқли адиб, адабиётшунос ва адабий танқидчилар ижоди билан қиёсий ўрганиб, Иззат Султоннинг ярим аср давр мобайнида тарихий – адабий жараёнга қўшган индивидуал ҳиссасини илмий-назарий жиҳатдан асослади. Бу борадаги ҳалол ва изчил меҳнатнинг самараси сифатида 1988 йилда у «Танқидчи ижодининг индивидуаллиги ва тарихий-адабий жараён» мавзусида докторлик диссертациясини ёқлади.

Диссертациянинг янгилиги шундаки, унда муайян танқидчининг тарихий – адабий жараёнга таъсири, адабий жараённинг танқидчи ижодига таъсири катта масштабда, ўзбек адабиётшунослиги ва адабий танқидчилигида ярим аср мобайнида яратилган йирик илмий асарларнинг кенг таҳлилида ёритилди.

Ўткир Шокировнинг фикр-лаш диапазони катта, қизиқиш доираси кенг. У худди устози Иззат Султон изидан бориб, адабиёт, санъат ва тил соҳаларида қалам тебратаяпти. Узбек санъаткорлари ҳақида мақолалар, ёзаяпти, китоб яратаяпти, техник олий ўқув юртлари учун ўзбек тили фанидан дарсликлар, ўқув қўлланмалар чиқараяпти.

Шу ўринда унинг ёшларни юксак маънавий идеаллар руҳида тарбиялаш борасида узоқ йиллардан бери олиб борган ишларини алоҳида таъкидлаш лозим. Ўткир Шокировнинг саъй-ҳаракатлари билан республикамизда ягона бўлган Тошкент Автомобиль ва йўллар институтида кўзга кўринган фан, маданият ва санъат арбоблари билан учрашувлар ўтказиш анъана тусини олди. Бу ўринда биз F. Ғуломнинг, Ойбекнинг 90 йиллик, Ш.Рашидовнинг 75 йиллик юбилейларига бағишланган адабий кечаларни, Зулфия, Одил Ёқубов, Қуддус Муҳаммадий, Туроб Тўла, Улмас Умарбеков, Шукрулло, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, каби таниқли шоир, ёзувчи ва санъаткорлар билан чорак аср давомида бўлиб ўтган учрашувларни алоҳида тилга олишни истардик.

Бугунги кунда олим ўзининг бутун салоҳиятини фан йўлига, илмий изланишларга қаратган. Бу йўлда унга собитлик тилаб қоламиз.

Собир МИРВАЛИЕВ,
профессор

Litseylar hayotidan



ЗАКОВАТНИНГ ОЙДИН ЙЎЛИ

Доноларнинг: «Истеъдод эгасини тарбиясиз қолдирмоқ — зулмдир» деган ҳикмати бор. Шу боис, мантиқан бугунги таълим-тарбиявий жараён мазмунига эътибор қаратсак, давлатимиз ёшларнинг ўз истеъдодини тўлиқ намоён этиши учун барча шарт-шароитларни яратмоқда. Шунингдек, бозор муносабатларига ўтиш баробарида мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётига янги техника, технологиялар кириб келиши билан ҳам янги мазмундаги ўқув масканлари ташкил этишга эҳтиёж туғилмоқда. Шунинг учун ҳаракатдаги таълим масканлари ҳам тубдан ислоҳ қилиниб, бу борада анчагина амалий ишлар бажарилмоқда. Жумладан, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти қошидаги академик лицей таълим тизимимизда қилинаётган амалий ишларнинг бир инъикоси десак янглишмасак керак.

Биз мазкур академик лицейда олиб борилаётган ўқув-тарбиявий ишлар жараёни билан яқиндан танишиш мақсадида лицей директори, физика-математика фанлари номзоди, доцент Ҳ. Исаев билан суҳбатлашдик.

— Маълумки, яқинда академик-лицейнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Агар академик-лицейимизнинг тарихига эътибор қаратадиган бўлсак, бундан бир йил олдин ТТЕСИ ректори, профессор Ҳ. Алимованинг ташаббуслари билан ташкил этилиб, 1997 йил 31 июлда Узбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Халқ таълими вазирлигининг қўшма буйруғига асосан, фаолият кўрсатиб келмоқда. Бизнинг академик лицейимизга «Ўздавлатпахтасаноатсотиш» ва «Узбекенгилсаноат» ташкилотлари ҳомий қилиб белгиланган. Шунингдек, Узбекистон Фанлар академиясининг кимё ва полимерлар физикаси, механика ва иншоотлар сейсмологияси институтлари лицейнинг васийлари ҳисобланади. Лицейни тўлиқ капитал таъмири учун шу кунга қадар ҳомий ташкилотлар томонидан 30 миллион сўмга яқин пул ажратилди. Қисқа вақт ичида лицей биносининг ташқи ва ички қиёфаси тамомила ўзгартирилди. Барча хоналар, атроф-деворлар, бино усти қайта ёпилди, янги дарвоза, кириш айвончаси, спорт майдончаси барпо қилинди. Маънавият ва маърифат марказининг зали, лицей кутубхонаси қайта жиҳозланди.

Узбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази томонидан махсус лингофон кабинети, энг замонавий компьютер синфи, 6 та синфхона учун стол ва стуллар берилди. Лицейимизнинг моддий-техника жиҳатдан таъминланишига қисқача шуларни мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Директорнинг сўзларига қилинаётган амалий ишлардан ҳам амин буласиз.

Лицейда математика, физика, информатика, чет тили ва кимё каби ўқув фанлари махсус режа асосида ўқувчиларга чуқур ўргатилади.

Академик лицейидаги ўқув-тарбиявий жараённи кузатар эканмиз, талабалардаги ўзбекона тортинчоқлик билан жиддий фикр юргизишлари катта таассурот қолдиради. Чунончи, Президентимиз И.Каримовнинг «АҚлий заковат ва руҳий-маънавий салоҳият – маърифатли инсоннинг икки қанотидир», деб айтган сўзларининг амалий ифодасини эринмасдан, сабр-қаноат билан амалга ошираётган академик лицей жамоасига муваффақиятлар тилаймиз.

Қаюм БОЙМИРОВ

Суратда: лицей ҳаётидан бир лавҳа

АЖДОДЛАРДАН МЕРОС ҚАДРИЯТ

Оила ва никоҳ тарихидан айрим лавҳалар

Иккинчи мақола

Она уруғбоши даврида оила тақдирини аёл ҳал қилган бўлса, ота уруғбоши даврига келиб бу ҳуқуқ эркаклар зиммасига кўчган. Аёл энди эрга қарам бўлган. Матрилокал никоҳнинг анъаналари—эркакнинг хотинникига кўчиб утиши энди ота уруғбошининг қоидаларига мувофиқлаштирилган: матрилокал никоҳ шу зайл патрилокал никоҳ шакли билан алмашган. Бу никоҳ хотиннинг эр оиласига мустаҳкамроқ боғланишига олиб келди. Шу тариқа тарихда ягона оила, яъни моногамия деб ном олган оила вужудга келди. Моногамия дастлабки даврларда матрилокалдан батамом узилмаган. Эрининг уйига кўчган аёл маълум бир эркинликларга эга бўлган: туғиш пайтида онасининг уйига бориб туққан ёки уйига тез-тез бориб турган. Ўзбек халқ эртаги «Хуршид билан Лайло»да қиз Хуршидга ўзининг ҳар кеча онасининг уйига боришини шарт қилиб қўяди. Бу даврга келиб, келин билан куч синашмоқчи бўлган бўлгуси қуёв энди унинг акалари ёки бошқа даъвогар ошиқлар билан беллашган.

Ота уруғбошида аёл эркакникига кўчиб ўтганлиги сабабли қиз томон битта ишчи кучини йўқотган. Шунинг учун келиннинг оиласи йўқотган «ишчи кучи» эвазига қуёв томонидан маълум улпон талаб қилган. Бундай ҳол ота уруғбоши даврида вужудга келгани учун улпоннинг кейинги шакли— қалинни уруғ ёки оила бошлиғи бўлган эркак (кўпинча келиннинг отаси) белгилаган. Шу тариқа никоҳнинг хотин-қизларга қалин, пул тўлаб олинадиган шакли удумга айланган. Баъзи халқ эртакларида қизнинг отаси (кўпинча подшо) турли солиқларни: бутун чорвага ёзги, кузги, қишги озиқ тайёрлашни, юзта туя, юзта тирик тулки, юзта бургут, юзта беқасам тўн ёки олтин сарой қуриб беришни талаб қилади. «Алпомиш» достонида ҳам шундай воқеаларга дуч келамиз. Албатта, халқ достонида ғайритабиий қалин сураган бойлар, подшоларнинг очқўзликлари, хотин-қизларни буюм каби сотишлари қораланади, қаҳрамоннинг сеҳрли ёрдамчилар қумагида қалин тўлаши идеаллаштириб тасвирланади. Чунки эртаклардаги ижобий қаҳрамон меҳнаткаш халқнинг орзу-истаклари ифодачиси, эстетик идеали ҳисобланади.

Ота уруғбошининг ривожланиши ва товар, пулнинг вужудга кела бошлаши туфайли келин учун тўланадиган қалин пул билан алмашиши халқ оғзаки ижоди, хусусан, эртакларда ҳам акс этган. Масалан, озарбайжон халқ эртаги «Азиз ҳақида эртак»да Азиз Ҳиндистондан ўзига қайлиқ сифатида ғўзал бир қизни сотиб олади... Лекин хотин-қизларга товар сифатида қараш, уларни истаган пайтда ва истаган жойда сотиб олавериш, халқ эртакларида ниҳоятда кам. Эртаклар қадимги урф-одатларга тобе сифатида тасвирламайди. Ўрни келганда хотин-қизлар бу урф-одатларга қарши чиқадилар, ўз севгилисини ҳимоя қиладилар, севган қаҳрамонига шарт ва вазифаларини бажаришда яқиндан ёрдам берадилар.

Синфий жамиятнинг вужудга кела бошлаши ва хусусий мулкчиликнинг пайдо бўлиши билан бадавлат эркак ўзига икки ёки ундан ортиқ хотин олиши мумкин бўлган. Бу кичик моногамик оиланинг мустаҳкамланиши билан никоҳнинг янги тури — уйланиш мажбурий тус олганлиги, бу ҳар бир эркакнинг бурчи, деб қаралганидандир. Ўз-ўзидан маълумки, уйланиш сабабли оиладаги ишчи кучи ортган, бу оила мустаҳкамроқ, қудратлироқ бўлган. Фарзанднинг туғилиши билан эса бу оила янада бойиган. Шу билан бирга фарзандлар орқали оиланинг анъаналари авлоддан-авлодга ўтадиган бўлган. Отанинг бутун бойлиги, мероси фарзандига қолган, шу важдан фарзандга унинг қўриқчиси, давомчиси, деб қаралган.

Мерос қўриқчиси энди оила учун ҳаётий заруратга айланган. Чунки фарзанд кўриш, меросхўрга эга бўлиш уша даврларнинг энг муҳим талаби бўлиб, бу талаб жамиятнинг урф-одатлар ва расм-русмларига сингиб кетган. Ҳатто «Авесто»да ҳақиқий инсон оловдан уй барпо этади, хотин фарзанд ўстиради, деб кўрсатилади.

«Авесто»даги бу каби яқин Урта Осиё халқларидаги меросни ўғилга қолдириш, меросхўрга эга бўлиш каби қарашларни ифодалаганини кўрамиз.

Имконидан келиб чиқиб зурриёт кўриш, меросхўр қолдириш иштиёқида эркаклар полигамия йўли билан ҳам бир неча бор уйланишга ҳаракат қилишган. Устига-устак уша давр ақидаларига кўра, ҳали фарзанд кўриб улгурмаган ёш келин-куёвлар номаҳрам ҳисобланиб, тўй-маъракаларга қўйилмаган. Халқ оғзаки ижодида бу ҳолнинг айрим жиҳатлари ўз аксини топган. Бу ўринда, масалан, «Алпомиш» достонида тўйга борган бефарзанд Бойбури ва Бойсарига муносабатларни, эртаклардаги бефарзанд подшо, чолу кампирларнинг ҳудога илтижоларини эслаш кифоя. Фарзанд тилаш мотиви ана шу даврларда вужудга келган ва халқ оғзаки ижодига урф-одатлар, қарашлар туфайли сингигани эҳтимолдан холи эмас.

Туркий халқлар достон ва эртакларда энг кўп тасвирланган никоҳ шаклларидан бири ўз уруғидан уйланишнинг тақиқланишидир. Она уруғбоши даврида уруғ аъзолари бир-бири билан қариндош ҳисобланиб, уруғ ичида ўзаро турмуш қуришга рухсат этилмаган. Уларнинг хотин-қизлари бегона эркаклар билан никоҳдан ўтганлар. Бир уруғ ичидан уйланишнинг тақиқланиши пронез, грек, рим ва бошқа кўпгина халқларда ҳам мавжуд бўлган. Шунинг таъсири туфайли бўлса керакки, халқ оғзаки ижоди, жумладан, эртакларда қаҳрамон кўпинча ўз уруғидан ташқаридан, узоқ, хорижий юртга ёр излаб кетади.Тушида кўрган ёки расмини кўрган, бировдан эшитган қизнинг ишқида сафарга отланади. «Гулиқаҳҳаҳ» эртагида Тилла кокил шум кампирдан Гулиқаҳҳаҳнинг ғўзаллиги, унга жуда муносиблиги ҳақида эшитиб, уни қидириб чиқади. «Беш қаландар» номли туркман халқ эртагида эса подшонинг ўғли Хитой шоҳининг қизи Гулжамолнинг расмини кўриб, унга ошиқ бўлиб қолади.

Ўзга уруғдан уйланиш одати биргина ўзбек, қозоқ, қирғиз ва қорақалпоқ халқларигагина эмас, балки кўпчилик бошқа халқларга ҳам хосдир. Бундан ташқари, Урта Осиё халқлари қадимдан бир хил ижтимоий турмушни бошидан кечириб келмоқдаки, бу уларнинг этногенезида умумийликни вужудга келтирган. Бу яқинлик уларнинг ижодига ҳам бирдек таъсир қилмаслиги мумкин эмас эди. Масалан, қаҳрамоннинг бошқа уруғдан уйланиши мотивини қирғиз эпоси «Манас»да, «Алпомиш»да, «Жаҳонгир»да, русларнинг «Добрыня Никитич», Зигфриднинг «Нибелунглар» қаҳрамонлик эпосларида ҳам учратамиз. Демак, эртак ва достонлардаги қаҳрамонларнинг ўз севгилисини излаб ўзга юртларга йўлга чиқиши, ўзга элдан уйланиши ўз даврида ижтимоий норма бўлган ота уруғбоши экзогамиясининг таъсири эканлигини англаш қийин эмас.

Туркий халқлар эртакларида кишиларнинг алоқаларидан тортиб, якка, жуфт оилагача, ундан сотиб олинувчи никоҳ, полигамия ва экзогамияга ўтишгача бўлган турли кўринишдаги никоҳ шакллари акс этганини кузатамиз. Феодал-патриархал тузуми даврида ва ислом динининг ёйилиши билан сотиб олинувчи никоҳ — полигамияга диний тус берилган, оилавий тартиб-одатлар шариатга боғланган. Ибтидоий тушунчалардан бири тотемизмнинг дастлабки талқинларида одамларнинг бирор ҳайвон ёки жониворлар билан бўлган алоқадан вужудга келган, деган қарашлар бор. Эртакларда кенжа қизнинг илон қиёфасидаги йигитга эрга чиқиши ёки қўш, каптар қиёфасида юрган қиз, қаҳрамоннинг маълум бир ҳаракатларидан кейин унга эрга тегиши воқеаларини учратамиз. Бу қадимий урф-одат, қарашларнинг бадиий талқинидир. «Қуёш ерининг паҳлавони» эртагида она айиқнинг Рустамни ёшлигида эмизиши, «Айиқ полвон» эртагида қизнинг айиқ билан ҳаёт кечириши, «Шерзод билан Гулшод» эртагида шер қаҳрамонни боқиши, «Доро билан Искандарбек» эртагида эчки қаҳрамонни эмизиши тотемистик қарашларнинг акси сифатида кўзга ташланади.

Қадимги диний тушунчалардан яна бири магия (сеҳр-жоду) тушунчасидир. Қадимги кишилар магия йўли билан ўз атрофини ураб турган табиатга, ҳайвон ва жониворларга, инсонларга ҳам таъсир кўрсатиш мумкин, деб ҳисоблаганлар. Шу билан бирга, табиат ҳодисалари, ғайри табиий кучлар ҳам одамларга акс таъсир ўтказади, деб ишонганлар. Халқ эртакларида сеҳр-жоду орқали бева хотин ҳомиладор бўлиб қолади, кўр одамнинг кўзи очилади, кекса чол ёшариб кетади, қаҳрамонлар мўъжиза туфайли дунёга келадилар. Масалан, «Кал Ҳасан ҳақида эртак» номли озарбайжон халқ эртагида бефарзанд камбағал ўтинчининг хотини бир куни эрининг ўрнига ўтинга боради. Кесак отиб бир қушни ўлдирмоқчи бўлганида, қуш учиб кетади. Аёл қушнинг тухумини ичади ва ҳомиладор бўлиб қолади. Баъзи эртакларда қиз қаландар бериб кетган олмани еб, сувдан ичиб ёки арпадан еб ҳомила пайдо қилади. Бундай тушунчалар деярли барча халқлар оғзаки ижодига хосдир. Юқоридаги эртакларда қадимги халқларнинг магик ва партогенез қарашлари ислом даврига келиб, ислом идеологиясига мувофиқлаштирилганини кўрамиз. «Алпомиш» достонида бефарзанд Бойбури ва Бойсарига Али Шоҳимардон бир ўғил ва бир қиз ато қилиб, уларни туғилмасдан олдин унаштириб қўяди. Худди шундай мотивни қирғиз эпоси «Манас»да, «Қобланди ботир», қозоқ эпоси «Ер Саин», ўзбек достонлари «Ширин ва Шакар» кабиларда ҳам кўрамиз. Фарзандларни туғилмасдан олдин ёки бешиқдалик чоғларда унаштириш Марказий Осиё халқларининг кўпчилигига хос бўлган одатдир. Яъни болалигида унашилган ўғил ва қизнинг вояга етишгач, эр-хотин бўлиши ислом дини ақидаларидан ҳисобланади.

Хуллас, замонлар ўтиши билан туркий халқлар оиласини акс эттирган эртаклар фақат шаклига кўра эмас, балки мазмуни жиҳатдан ҳам ўзгарди, янгиланди, хилма-хил мотив, сюжет, ғоя ва тасвирий воситалар ёрдамида бойиди. Ўзбек эртакларидаги аёллар билан боғлиқ трагизм — бу идеал билан реалликнинг қураши натижаси, деб тушунмоқ даркор. Биринчисининг маглубияти халқ идеали қарор топишининг асосий шаклларидан. Бироқ эртакларда трагик ҳолатларни идеалнинг ва идеалликнинг узил-кесил маглубияти сифатида эмас, балки уни ўзида мужассам этган шахснинг маглубияти сифатида талқин қилади. Фожиали улим, қийин азоб-уқубатлар социал муҳит, мухолифларнинг вақтинчалик қули баланд келиши каби ҳолатлар билан изоҳланади. «Широқ», «Тумарис», «Тоҳир ва Зуҳра», «Шоҳсанам ва Ғариб», «Қунтуғмиш», «Озод чеҳра», «Туҳматга учраган келин» каби достон, эртак ва афсоналарнинг ғоявий-бадиий мазмуни фикримизга далил бўла олади. Кўпгина туркий халқлар достон ва эртаклари мазмуни шуни кўрсатадики, ҳар қандай улимни ҳам халқ ижодкор фожиага юз тутиш, деб талқин қилавермайди. Масалан, достон-эртаклардаги салбий қаҳрамонлар фожиаси уларга берилган ҳаққоний жазо ҳисобланади ва халқнинг ундан халос бўлиши қувончи сифатида талқин этилади.

Туркий халқлар достон-эртакларининг ҳақиқий гуманистик йўналиши шундаки, уларда аёл-қизлар юксак инсоний қиёфали, жасур, севгига садоқатли қилиб тасвирланади. Халқ эртакларидаги никоҳ ва қариндошлик алоқалари, шунингдек, у билан боғлиқ терминларнинг чуқур илдиз отгани, мустаҳкамлигининг ўзи ҳам ана шу омиллар билан боғлиқдир. Бу термин ва алоқалар энг қадимги муносабатлардан тортиб, ҳозирги кунимизгача бўлган оилавий муносабатларни акс эттиради.

Халқ таъбири билан айтганда, оила атамаси маъно жиҳатдан от билан эгарни бир-бирига боғлаб турадиган тасма — «ойил» дейилади, унга «а» қўшилиши натижасида «оила» юзага келган, «яҳил», «аҳила», сўнгра «оила»га айланган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. «Аҳоли», «аҳиллик» маънолари ҳам бор. Бу оғзаки ижод намуналарига ҳам ўзининг бебаҳо таъсирини ўтказади. Улар тарихий-лингвистик, этнографик жиҳатдан халқларимизнинг ижтимоий ва оилавий муносабатларининг илк босқичи ва равнақини ўрганишда бебаҳо манба бўлиб ҳисобланади.

Худойберган ЭГАМОВ,
Тошкент Давлат Маданият институти ўзбек тили ва адабиёти кафедраси мудири, филология фанлари доктори, профессор

1998 yil—Oila yili

«Alpomish» to'yi oldidan

ҲОВДАК КЎЛИДАГИ ДАРС

(Репортаж)

Мана, биз мактабимиздан роппа-роса бир километр узоқда бўлган Ҳовдак кўлига етиб келдик. 6-8-синф ўқувчилари ҳамкасбим — кимё фани ўқитувчиси Эргаш ака Абдуғаффоров ва мен ҳам ут-уланлар устидамиз.

— Болалар, биз қаерда турибмиз?

Ҳовдак кўлида.

—Бу номни қаерда, тўғрироғи қайси достонларда эшитгансизлар?

—«Алпомиш» достонида...

—Хўш, яна...? Демак, болажонлар, «Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ», деганларидек, қишлоғимизга яқин бўлган бу афсонавий Ҳовдак кўлига келиб адабиётдан навбатдаги дарсимизни ўтаётганимиз бежиз эмас. Жуда кўплаб халқ достонлари қаҳрамонлари «Ҳовдак кўли, Чилвир чўли»да бўлишиб, бу ерларда ов қилишган, сайру саёҳат гаштини суришган. Гарчи сизлар 6—8- синфлар ўқувчилари бўлсангиз-да, ҳозир бир синф деб тасаввур қиламиз. Энди 8-синф ўқувчилари «Алпомиш» достони мазмунини сўзлаб берадилар, 6-синф ўқувчилари эса жим туриб тинглайдилар.

—Қани, марҳамат, достонни ким бошлайди?

—Мен...мен... муаллим...мен...

—Ҳа, дарсимиз қарийб 2 соатга чўзилиб, ўқувчилардан Наргиза Мардиева,Бахтигул Ҳолиқова, Феруза Холматова, Илҳом Эшқораевлар достон мазмунини галма-галдан ҳикоя қилиб бердилар. Улар берилган саволларга ҳам тўла-тўкис жавоб қайтаришиб, «аъло» баҳо олдилар. Шундай қилиб,8-синф ўқувчилари «Алпомиш» достони бўйича олган билимларини мустаҳкамлаган бўлсалар, 6-синф ўқувчилари севимли достон мазмуни билан танишиб, ҳар бири уни тўлиқ ўқиб чиқишга аҳд қилдилар.

— Болалар, узоқ-узоқда ястаниб ётган, ҳув анави тоғни кўряпсизларми?

— Кўряпмиз.

— У қандай тоғ?

—Бойсун тоғи.

—Хўш, Ҳакимбекнинг асл туғилган жойи, болалиги кечган жой қаер экан?

—Бойсун.

Дарвоқе, салобатли ястаниб ётган Бойсунтоғ ҳавонинг мусаффолигидан аниқ кўзга ташланиб турарди.

—Болалар, мана бу қумликлар ортида, ғарб томонимизда қандай туман бор?

—Қизириқ тумани.

—Ҳа, баракалла. Шу ердан роппа-роса 2-3 километр нарида Охунбобоев номли жамоа хўжалигида, машҳур бахши Абдуназар Поёнов, туман марказида эса унинг устози Мардонақул ўғли Хушбоқ бахши ижод қилишяпти.

—Тағин қандай бахшиларни биласизлар?

—Бойсунлик Шоберди бахши Болтаев, - чувиллашди болалар.

—Болалар, энди бироз танаффус қиламиз. Ҳув анави трактор-машиналарни кўряпсизларми? Нега, улар айни Ҳовдак кўли рўпарасида ер текислаш ишлари олиб боришяпти? Чунки бу ерда каттакон кураш,яъни олиш майдони ҳозирланмоқда. Бу ерга туманлардан ва вилоятлардан ҳатто республикамиздан полвонлар келишиб, кураш тушадилар. Алпомиш билан қалмоқ паҳлавони қандай олишган бўлса, улар ҳам шу тариқа беллашадилар.

Шундан сўнг кураш мусобақаси уюштирилди. Томоша роса қизиди. Шиддатли кураш мусобақасида 8-синфдан Каромат Ботумаев, 6-синфдан Асқар Чориевлар ғолиб бўлишди.

Ҳовдак кўли қаршисидаги дарсни якунлар эканман, болаларга дедим:

-Болалар, сезаяпсизми, Ҳовдак кўли ҳам худди Оролдек бугун ёрдамга муҳтож. Қаранг, ерлар шўрлаб ётибди. Кўлда сув кам. Ҳув, наридаги қизил қоялар бағрига ошён қурган калхат, гажир ва бошқа қушларни, мана шу кўлни, ҳар бир гиёҳни муҳофаза қилиш вақти аллақачон келган. Шундай қилиш— ҳаммамизнинг бурчимиз.

Шоир бобонгиз Раззоқ Абдурашид бир пайтлар бу ерда бўлиб, «Сурхонда куз» шеърида ёзган эди:

Боботоғдан келар намхуш шамол.
Ҳавода муаллақ туради тўзон.
Сарғиш адирларда сарғайган хаёл,
Ипакдек товланар, солланар мезон.
Олов пуркамайди Ҳовдак қумлари,
Сурхон ҳам оқади сокин, хаёлкаш,
Чилвир чўлида ҳам бу куз тунлари
Чироқлар сузишин кўрасан яккаш...

Шоир чироқлар деганда бу ерга яқин жойлашган пахтазордаги терим машиналарини назарда тутган. Мана, ҳозир Чилвир чўлида тағин кечаси чироқлар порламоқда. Сабаби, яқинда топилган йод конида қурилиш ишлари қизғин олиб борилаяпти.

Хўш, адабиёт дарси тугаган булса, энди кимё дарсини бошлаймиз. Қани, юринглар, болалар, йод кони очилиб, ишлар авж олаётган жойда дарсни давом эттирамиз,- деди Эргаш муаллим.

—Ур-ре, кетдик!- дейишди қувониб болалар.

Дарвоқе, яхшиларнинг, алш боболаримизнинг қадами теккан Ҳовдак кўли, Чилвир чўли хосиятли чиқиб қолди. Жонажон Узбекистонимизнинг ажиб бир бағри бўлмиш бу жойлар, мана, аста-секин ўз саховатини ҳадя этмоқда. Ушбу кон тўлиқ ишга тушса, Ўзбекистонимиз яна бир улкан армуғон билан жаҳонга юз очади.

Дарс-репортажни тугаллар эканман, илоҳим, юртимизда тинчлик омонлик бўлиб, болаларимиз орасидан минглаб Алпомишлар етишиб, жаҳонга довруғ тараталерсин, деб ният қилдим.

Турсун ЭШҚОРАЕВ,
Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туманидаги Ф.Хўжаев номли 9-мактаб ўқитувчиси

Пойариқ туманидаги 6-умумтаълим мактабида ёшларга замон талабларига мос ҳолда сабоқ бериб келинмоқда.

Сиз суратда кўриб турган инсон, ўз ўқувчиларига химия фанидан сабоқ бераётган «Республикада хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» Комила Мавлонова ҳам туман ва вилоятда ном таратган мураббийлардан саналади.

Шавкат АКРАМОВ
олган сурат

ЮРТИМИЗ ҲАҚИДА СЎЗЛАЙДИ

Таниқли ўзбек рассоми Ортиқали Қозоқов мўйқаламига мансуб асарлар Америка, Франция, Италия, Япония, Англия, Испания, Бельгия, Туркия, Кипр, Марокаш, Канада, Исроил, Голландия, Швейцария, Корея каби дунёнинг ўнлаб мамлакатлари галереялари ва шахсий коллекциялардан жой олган. Яқинда Берлин шаҳрида ҳам рассом асарлари кўргазмаси очилди. Кўргазмага қўйилган «Бибихоним», «Келин», «Кунгил», «Шоҳизинда» каби 20 га яқин асарлар немис санъат ихлосмандларига юртимиз ҳақида ҳикоя қилади.

Кўргазмани Узбекистоннинг Германиядаги элчихонаси билан АРТ-М галереяси ҳамкорликда ташкил этди.

МУХБИРИМИЗ

ЖУРНАЛНИНГ ЯНГИ СОНИДА

«Халқ таълими» журналининг навбатдаги сони дастуриламал ҳужжатлар — «Узбекистон Республикасида умумий ўрта таълим тўғрисида» Низом ва «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тўғрисида» Низом билан очилади. Бу ҳужжатларни пухта ўрганиш, ишни шу асосда ташкил этиш таълим тизимидаги ислоҳотлар самарадорлигини таъминловчи бош омил бўлиши шубҳасиз.

Кейинги пайтларда кенг жамоатчилик, ҳатто айрим мутахассислар орасида ҳам кадрлар тайёрлаш Миллий моделининг асл моҳиятини, мақсад ва йўналишларини, шунингдек, узлуксиз таълим тизимидаги туб ислоҳотлар мазмунини тўла англаб етмаслик, палапартиш шарҳлаш ҳоллари учраб қолмоқда. Айрим нашрлар, анжуманлар, семинарларда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ва уни амалга ошириш юзасидан қабул қилинган меъёрий ҳужжатларни ўрганувчи, муҳокама этувчиларнинг Дастур моҳияти ва ғояларини тушуниб етмасдан, баъзан эса бузиб талқин этаётганини кўрамиз. Шунинг учун олимлар Ш. Қурбонов ва Э. Сейтхалиловларнинг «Кадрлар тайёрлаш Миллий модели: XXI асрни кўзлаб» мақоласида бугунги туб ислоҳотлар, Миллий модел, унинг таркибий қисмлари мазмунмоҳияти, бетакрорлиги ва аҳамияти очиб берилган.

Бозор иқтисодиёти шароити мураккабликларини ҳисобга олган ҳолда, ислоҳотларнинг устуворлик ва босқичма-босқичлик принциплари асосида кадрлар тайёрлаш ва таълим тизимини ислоҳ қилишнинг узоқ муддатли стратегияси ишлаб чиқилди. Бу ислоҳотлар концепцияси ўзагини мутахассислар томонидан ҳақли равишда «Ислом Каримов модели» деб баҳоланаётган, кадрлар тайёрлашнинг принципиал янги Миллий модели ташкил этади, деб ёзади муаллифлар.

Мақола муаллифлари Миллий моделнинг ҳар бир таркибий қисми бажарадиган вазифалар, уларнинг эҳтиёжлари, уларга қўйиладиган талабларни бирма-бир тушунтириб,

шарҳлаб беришади. Мамлакатимизда бош ислоҳотчи - давлат бўлгани учун таълим-тарбия борасида ҳам энг катта, ҳал қилувчи вазифалар давлат зиммасида эканлиги алоҳида уқтирилган. Айниқса, мақолада таълим соҳасида давлат сиёсатининг асосий принциплари қўйидагича аниқ ва лўнда ифодалаб берилиши жуда ибратлидир: таълим-тарбиянинг инсоний, демократик характери, таълимнинг узлуксизлиги ва изчил давомийлиги, умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг мажбурийлиги, ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини — академик лицей ёки касб-ҳунар коллежини танлашнинг ихтиёрийлиги, таълим тизимининг дунёвий характери, таълимнинг давлат таълим стандартлари доирасида ҳаммабоплиги, таълимий ва касб-ҳунар дастурларини танлашга ёндашувнинг яхлитлиги ва табақалаштирилганлиги, билимдонлик ва талантнинг рағбатлантирилиши, таълим тизимида давлат ва жамоат бошқарувининг уйғунлиги.

Мақолада алоҳида таъкидланганидек, таълим тизимида эришилган потенциал, янгиланиш ва тараққиёт яхлит бир жараённинг ўзаро боғлиқ, бир-бирини тақозо этувчи босқичлари сифатида жаҳон ҳамдўстлигига интеграциялашув кучайган шароитда жамият ва давлат тараққиётига катта ижобий таъсир кўрсатади.

Муштарийлар журналнинг янги сонида тарих фанлари номзоди Т.Файзуллаевнинг «Мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида», доцент М. Мамадазимовнинг «Маъмун академиясининг бош астрономи», Д.Аҳатованинг «Фитратнинг таълимтарбия борасидаги қарашлари», Қ. Шоназаровнинг «Тарих курсини онгли ва фаол ўзлаштириш воситаси» сингари тарихий мавзунинг турли қирралари асосли ёритиб берилган бир қатор ўқишли мақолалар билан танишадилар. Шунингдек, М. Холматованинг «Оилада соғлом турмуш тарзини шакллантириш — соғлом авлодни тарбиялаш омилидир», Ш. Турдимовнинг «Ғуруғли туркумидаги Аҳмад Сардор образи хусусида», Р. Сайфуддиновнинг «Касб-ҳунар таълими муаммолари», О. Қурмановнинг «Талабаларни тадбиркорлик фаолиятига тайёрлаш», Ш. Турабековнинг «Генларнинг узаро таъсирига доир масалалар» каби турли мавзуларда ёзилган кўпгина мақолалар ҳам ўқувчиларни бефарқ қолдирмайди.

А. ХЎЖАМОВ

АЛДАГАНИ БОЛА ЯХШИ... МИ?

Do'st achitib gapirar

(Боши 1-бетда)

—«Меҳрибонлик уйи» 1972 йилдан буён фаолият кўрсатяпти. Вилоятнинг қатор шаҳар ва туманларидан 7 ёшдан 17 ёшгача бўлган 108 нафар меҳрга муҳтож болалари шу даргоҳдан қўним топган. Ўғил-қизларнинг ўқиши, дам олиши, ҳунар ўрганиши учун барча шарт-шароитлар яратилган,- деди директор биз билан суҳбатда фахрланиб. Опанинг гапи нечоғли ҳақиқат эканлигини билиш мақсадида бирга хоналарни айланиб «зўр» шарт-шароитлар билан танишдик.

Қайси хонани кўрманг, эшигига катта қулф осиглиқ. Бизнинг илтимосимизни рад этолмаган опа шода-шода калитларни олиб келиб биринкетин эшикларни очди. Қайси хонага кирмайлик стол-стуллар, турли мебеллар, буюмлар синиб айқаш-уйқаш ётибди. Ифлосликдан эшик ҳатлаб ичкарига киришга иймонасан киши. Бу даргоҳда янги ўқув йилига мутлақо тайёргарлик кўрилмаган. Таъмирлаш ишлари олиб борилмаган. Опанинг айтишича, 13 та тарбиячидан атиги 3 таси ишга чиқибди. Меҳнат интизомининг йўқлигидан аксарият ходимлар иш пайтида тўйма-тўй юрганини қандай баҳолаш мумкин? Врач Тўра Баратов, педиатр Нурбой Ҳакимовларни ҳам ўз иш кабинетларида учрата олмадик. Бошқа ходимларни кундуз куни чироқ ёқиб ҳам топиш амри маҳол бўлди.

Аввало, сизга шуни таъкидлаб ўтишим жоизки, азиз газетхон, боягина тилидан бол томиб барча шарт-шароит муҳайё, деб бийрон гапираётган директор Шарофат опа бу ердаги ҳўжасизлик, бақимандалик, масъулиятсизлик оқибатида ўлда-жўлда иш олиб борилаётганидан анча мулзам бўлган бўлса не ажаб.

«Меҳрибонлик уйи» бир неча йилдан буён капитал таъмирлашга муҳтож. Деворлари нураб, поллари чириб кетган. Эшик деразалари очилса ёпилмайди, ёпилса очилмайди. Бу ерда оддий санитария ҳолатларига риоя қилинмаган. Ичимлик суви, иситиш системалари яроқсиз ҳолда. Директор биринчи қаватдаги хоналарнинг эшигини аранг очиб, бу ерни мусиқа хонаси деб айтди. Не кўз билан қарайликкки, хонада биронта ҳам мусиқа асбоби йўқ. Стол-стуллар етишмайди. Ифлос хонанинг тўрт тарафини ўргимчак тўри босган. Спорт хонаси ачинарли аҳволда. Вилоят ҳокимияти, вилоят халқ таълими бошқармаси, қолаверса, оталиқ ташкилот «Муборак» газни қайта ишлаш заводи мутасадди раҳбарлари яқин орада бу ачинарли аҳволни бирон марта келиб кўрмаганга ўхшайди!

Ҳа, «Меҳрибонлик уйи»даги болалар эътиборга муҳтожлигига амин бўлдик.

Шундоқ ҳам дили ўксик болакайларга меҳр-оқибат, озгина саховату эътиборимизни дариғ тутмайлик, азизлар!

Абдунаби ОРИПОВ,
Халқ таълими аълочиси

Ahmad al-Farg'oniyning 1200 yilligiga

АЛЛОМАЛАР ГУРУНГИ

Илмий-фантастик лавҳа

(Давоми. Боши ўтган сонда)

Коперник: - Шу уринда бир нарсани таъкидлаб утишни лозим деб топяпман. Илмий асарлар, одатда, адабий асарларга қараганда тезроқ эскиради, ҳатто, сизлардан анча кейин, бизнинг замонамизда яратилган илмий китобларнинг баъзилари эскириб қолибди, кечаги маърузалардан маълум бўлишича, масалан, менинг гелиоцентризмим, кечирасиз жаноб Птолемей, сизнинг геоцентризмингизни эскиттан бўлса, менинг Қуёш жим туради, деганим ҳам эскирибди, яъни Қуёш оддий бир юлдуз сифатида эмиш, галактика маркази атрофида айланармиш...

Птолемей: - Ахир...

Коперник: - Узр, ўз фикримни тугаллай. Илмий асарлар вақт ўтиши билан эскириб қолсалар-да, тарихий-илмий қимматга эга бўлиб қолаверар экан. Ал-Фарғонийнинг асарлари юқорида айтилганлардан кўриниб турибди, деярли ҳар бир асрда, умуман, ўн икки аср давомида қайта-қайта нашр этилибди, бундан кейин ҳам шундай бўлишига ишонаман. Сизнинг, Птолемей жаноблари, «Алмагест» асарингизни саккиз асрдан кейин Форобий тадқиқ қилиб нашр этган экан, ҳозир йигирманчи асрда ҳам кўп ҳисобкитоблар сизнинг илмий ғоянгизга асосланар экан.

Птолемей: - Балли, Коперник жаноблари, агар мен Ер ҳаракатда эмас, деган бўлсам, сиз Қуёш ҳаракатда эмас деган экансиз. Ўзингиз ҳам иқрор бўлдингиз, иккалови ҳам хато экан. Биз олимлар буни, аслида, хато демасдан, нисбий экан, десак ҳақиқатга яқинроқ бўлади. Иккаламизнинг ҳам илмий тамойилларимизни рад этган Эйнштейннинг нисбийлик назарияси механикаси яна шуни ҳам эътироф этарканки, Қуёш ва Ой тутилишларини олдиндан айтиб беришда менинг ҳам, сизнинг ҳам бир-бирига қарама-қарши усулларимиздан баббаравар фойдаланиш мумкин экан. Демак, эскирган нарсанинг ҳам, баъзи томонлари янгича бўлиб қолаверар экан.

Коперник: - Энди ал-Фарғонийнинг асосий илмий ғояларига ўтсак. Ғоялар таърифини ал-Фарғонийнинг ўзларидан эшитсак.

Ал-Фарғоний: - Осмон сферага ўхшаб, ўзидаги барча ёриттичлари билан биргаликда бири шимолда, иккинчиси жанубда жойлашган қимирламас қутблар орасидаги уқ атрофида айланиши ҳақида олимлар ўртасида келишмовчилик йўқ. Шу каби барча олимлар эътироф этадиларки, Ер ҳам ўзининг барча қисмлари, қуруқликлари ва денгизлари билан биргаликда сферага ухшайди. Энди буни исботлаш керак.

Коперник: - Аввало, бир нарсани аниқлаб олайлик: бизгача, яъни XVI асргача халқ орасида Ер жисмини яполоқ-текис жисм деювчилар ҳам кам эмас эди. Бундай тасаввурнинг ҳам ўз сабаби бўлган. Дарҳақиқат, Ер юзидаги ҳамма нарса шу Ер устида турса, Ернинг ўзи нимаининг устида туради, деган саволга жавоб топиш керак эдида, ахир. Жавоблари ҳар хил бўлган. Жумладан, Ер катта балиқ устида ёки ҳўкизнинг шохлари устида туради, деювчилар ҳам бор эди. Гелиоцентримизда Ер шар шаклида ва у Қуёш атрофида айланади, деган илмий фикрга биз келганмиз. Бу фикримиз бугунги сизнинг, ал-Фарғоний, юбилейингиз утаётган XXI аср бўсағасида тўлалигича тан олинибди, бу соҳада мухолифлар йўқ, чамаси. Саволим шундан иборат: сиз, ал-Фарғоний, замонингизда Ер шакли ҳақида олимлар орасида келишмовчилар бўлганми?

Ал-Фарғоний: - Саволингизнинг иккинчи қисмига жавоб: фан тарихида ҳамма вақт олимлар орасида баъзи масалалар ҳақида келишмовчиликларнинг бўлиши билан бирга бошқа масалалар ҳақидаги фикр бир хилда бўлади. Сизларнинг баъзиларингиз менга қараганда бир неча юз йиллаб кейин яшагансиз, демак, фан тарихининг узоқроқ даврини биласизлар.

Коперник: - Бу ерда иштирок этаётганлар ичида энг ёши мен бўлсам керак...

Птолемей: - Демак, энг узун тарихни биладиганимиз — сиз.

Коперник: -Ҳа, мен. Ал-Фарғонийнинг бу фикри тўғри. Бизнинг давримизда, яъни XVI асрда гелиомарказ ғоясига қаршилар кўп эди. Айни пайтда Ер шакли думалоқ, сфера эканлигига Колумб Американи кашф этганидан кейин тўла ишона бошладилар.

Ал-Фарғоний: - Осмон сферага ўхшаб, айланиши ҳақида олимлар ўртасида келишмовчилик йўқ эди. Яъни осмон қутблари, сфера айланиш ўқи ва айланма ҳаракат илмий тушунчалари барча астрономлар томонидан гумонсиз ўзлаштирилган эди. Энди, сиз, Коперник, Колумб Ер сиртининг думалоқлигини амалда исботлади, дедингиз. Колумбдан олти аср олдин яшаган менга бу ахборотингиз янгилик бўлди. Лекин, мен бу ерда шуни таъкидлаб утишим керакки, ҳатто бизнинг замонамизда Ер ҳам Осмон сингари сферага (шарга) ухшашлигига тўла ишонар эдилар.

Птолемей: - Бизнинг замонамизда ҳам бу ҳақда баъзи тасаввурларимиз бор эди. Лекин, сиз замонингизда, ал-Фарғоний, қандай қилиб Ернинг шар шаклида эканлигини исботлагансизлар?

Ал-Фарғоний: - Исботи шуки, Қуёш, Ой ва барча ёриттичларнинг чиқиши ва ботиши Ер юзининг ҳар хил жойларида бир вақтнинг ўзида рўй бермайди. Лекин уларнинг чиқишини ғарбдаги одамлар шарқдагилардан олдин кўрмайдилар. Яъни Ер сирти харитасида барча жойларнинг меридиан ва параллел буйича координаталари бор экан, параллеллар, аслида эгри чизиқ, аниқроғи, айланадан иборатлиги туфайлидир. Меридиан ҳам шундай айланадир.

Улуғбек: - Бизгача етиб келган асарларингиздан хабардорманку, шундоқ бўлса ҳам, узингиздан эшитай. Ер параллели буйича одам ҳаракат қилганида ғарбдагиси шарқдагисидан кўра кейинроқ қуёш чиқишини кўради, дедингиз. Меридиан буйича ҳаракат қилсачи?

Ал-Фарғоний: - Шимол билан жануб орасидаги кузатувлар, бинобарин осмон гумбази манзараси ҳам ҳар хил бўлади: экватордан шимолга жунаётган одам учун аввалларо ботадиган ёриттичлар энди ботмасдан доимо осмонда кўриниб тураётганини кузатади, шунингдек, жанубда аввалларо чиқиб-ботадиган ёриттичлар, энди чиқмай қолади. Буларнинг ҳаммаси маълум тартибда рўй беради.

Омонулла ФАЙЗУЛЛАЕВ

(Давоми бор)

МАКТАБ ҲАҚИДА СЎЗ

Отаси ёки онасининг қўлидан тутган болакай мактаб сари ошиқмоқда. Бу ер унинг учун тамоман бошқача олам. Китоблар, билимлар, муъжизалар...

Сиргали туманидаги 322-ўрта мактаб бу йил 300 дан зиёд ўғил-қизларни 1-синфга қабул қилиб олди. Улар билим, қобилият даражасига кўра, 7 та синфга жамланди. Болаларни тиббий кўрикдан ўтказиш масаласига мактаб дирекцияси алоҳида эътибор билан қаради. Вазирлар Маҳкамасининг махсус фармойишига кўра 7 ёшга етиб улгурмаган мактабгача ёшдаги болаларнинг барчаси тиббий ва психологик кўриклардан ўтказилди. Мазкур мактабга қабул қилинганларнинг 80 фоизи биринчи синфда ўқиб кета олиши мумкин бўлган болалар эди. Бу ҳақда мактаб директори Наргиза Бобомирзаева бизга қуйидагиларни гапириб берди:

— Мактабдаги ҳаёт бир хил кечади. Яъни демоқчиманки, бир гуруҳ болалар учирма қилинади. Бир гуруҳ полапонларни яна ўз бағримизга оламиз, «опичлаб» катта қиламиз. Биз бошланғич синфларни табақалаштириб ўқитиш тажрибасига эгамиз. Тез ўзлаштирувчилар билан пассив ўзлаштирувчиларни алоҳида-алоҳида ўқитиш яхши самара келтиради, деб ўйлайман. Биздаги бошланғич синфларнинг 3 таси табақалаштирилган. Дарс жадвалларини тузишда, ўқитувчиларга ўз мутахассисликлари буйича дарс соатларини тақсимлашда Елена Иванованинг илмий бўлим мудири сифатида алоҳида хизмати бор. Уларда 6 синфга қадар фундаментал дарслар ўтилади. Моҳир ўқитувчи Ҳусан Турсунов, Гулчеҳра Раҳимова, Ноила Ўнғарова, Солиҳа Алимовалар болалар қўнглига йўл топишда, уларда қуникма ва қизиқиш ҳосил қилишда бой тажрибага эгалар.

Мактаб синфхоналарини тўлдириб ўтирган ўқувчилар ишончли устозлар қўлида. Ахир, қайси ота-она яхши ўқитувчи қўлида боласининг билим эгаллашини истамайди. Юз-кўзидан нур ёғилиб турган, қалби болалар меҳри билан тўлуғ мана бу аёл — Гулчеҳра Раҳимованинг тилидан эмас, дилидан қўйилиб келаётган сўзларга қулоқ тутинг-а:

— Болалар мен учун сеҳр, сир. Улар билан сирлашгим келади. Ҳар бола бир дунё. Айниқса, мактаб остонасига илк бор қадам қўйган болани кузатганингда, уларнинг нигоҳларидаги ҳадик, кўркув кишини анчамунча эсанкиратиб қўяди. Мен уларнинг журъатли бўлиши тарафдориман. Назаримда, бошланғич синфлардаги дарс соатлари кўпроқдек. Иқтисод, компьютер сабоқлари ҳам киритилса, мақсадга мувофиқ бўларминди?! Чунки иқтисод нафақат катталарга, балки болаларга ҳам ҳар қадамда керак. Компьютер эса болаларга ажойиб машғулотлар олиб боришда жуда қўл келади. Боланинг иқтилори ва билимини тўғри йўналтира олсак, ҳеч қандай ютқазиқ бўлмайди.

Эҳтимол, муаллима ҳақдир. Болаларга ҳар соҳадан бир шингил улашиб бориш ривожланган давлатлар таълим тизимига ҳам хосдир. Бизда бошланган таълим ислоҳотлари ҳам, айримлар ўйлаганидек, оддий гап эмас. «Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»нинг моҳиятини чуқур англаб етган 322-ўрта мактаб педагогика жамоаси ҳозирча, таълим тизимини тўбдан такомиллаштириш йўлида изланаётган экан, буни фақат қўллаб-қувватлаш керак.

Санобар ҲАКИМОВА

Sport

«ЖАР»ДА ЁШ КАРАТЭЧИЛАР

Болалар ва ўсмирлар ўртасида каратэ бўйича пойтахтимизнинг «ЖАР» спорт марказида ўтказилган халқаро мусобақада юртимиз вакилларидан ташқари Қозоғистон, Қирғизистон ва Россия спортчилари иштирок этишди. Умумжамоа ҳисобида Тошкент шаҳрининг «Каратэ» клуби ўсмирлари 1-ўринни эгаллашди. «Олимпия» ва «Кондакан» клублари аъзолари 2 ва 3-ўринга сазовор бўлдилар.

ЭЛИСТАДА ШАХМАТ БАЙРАМИ

Шу кунлари Қалмиғистон пойтахтида жаҳон шахмат олимпиадаси бошланиб, унда 110 мамлакат вакиллари иштирок этмоқдалар. Ҳамюртларимиздан эркаклар жамоаси олимпиаданинг дастлабки учта тур ўйинларида Катар шахматчиларини 4:0, туркиялик рақибларини 2,5:1,5 ҳисобида ютиб, грузиялик шахматчилар билан 2:2 ҳисобида дуранг натижага эришишди.

ҚИЗЛАР ҲАМ ҚОЛИШМАЙДИ

Ушбу шахмат олимпиадасида мамлакатимиз хотин-қизлар жамоаси ҳам Жанубий Африка Республикаси қизлари устидан 3:0 ҳисобида ғалаба қозониб, ўзбекистонлик эркаклар жамоаси олимпиаданинг дастлабки учта тур ўйинларида Катар шахматчилари билан 1,5:1,5 ҳисобига эришишган бўлса, арманистонлик дугоналари билан бўлган беллашувда эса 0:3 ҳисобида ютқизиб қўйишди.

ТУРНИРГА ЙЎЛЛАНМА ОЛИШДИ

Яккабоғ ва Шаҳрисабз шаҳарларида бўлиб ўтган республика жисмоний тарбия жамоалари ўртасидаги кубок беллашувларида вилоятлардан 12 та жамоа 4 та гуруҳга бўлиниб, биллур соврин учун кураш олиб боришди. Мазкур мусобақанинг дастлабки натижаларига кўра «Ҳисор» ва «Шайхонтоҳур» жамоалари 1-лигага ўтишга даъвогар бўлишмоқда.

УЕФА КУБОГИГА ҚУРЪА ТАШЛАНДИ

Яқиндагина бўлиб ўтган ушбу кубокнинг 1/32 финали жавоб ўйинларидан сўнг кейинги босқичга қуръа ташланди. Навбатдаги 1/16 финал босқичида майдонга тушадиган жуфтлик жамоалар аниқланди. Ўйинлар 20 октябрь—3 ноябрь кунлари бўлиб ўтади.

maydonchasi

Bilasizmi?

ҲАММАСИ ТУЗ ҲАҚИДА

Ош тузи озуқанинг таъмини яхшилашдан ташқари овқат ҳазм қилдирувчи ширанинг ажралиб чиқишини ҳам кучайтиради. Бинобарин, ошқозон ширасини вужудга келтирувчи манба бўлиб хизмат қилади. Туз етишмаслиги иштаҳанинг йўқолишига олиб келади.

* * *

Туз озиқ-овқат таркибидаги энг муҳим модда сифатида қадимдан маълум. Уни таомга қўшиш эса неолит, яъни милоддан аввалги 10-8 минг йилликдан бошланиб, то милоднинг бир минг йиллигигача давом этган даврдаёқ одатга айланган.

* * *

XIV-XV асрлар жаҳон бозорида туз қиймати жиҳатидан француз виноси, рус мўйнаси, инглиз жуни билан рақобатлашган. Туздан «туз танга» тайёрланган.

Бундан саккиз аср муқаддам ёзилган форсий «Фанни кешту зироа» асарида туз ҳақида ажойиб фикрлар бор. Масалан, биз кўпинча ёғ қиздираётиб,унинг доғланганлигини билиш учун туз ташлаб кўрамиз. Аслида эса бу туз ёғдаги бадбўйликни йўқотар экан. Агар озгина тузни қиздириб ёғ ичига солиб қўйилса, унинг ҳиди яхшиланиб, мазаси ошади, дейилади бу асарда.

* * *

Қизиғи шундаки, тузга фақат инсон ва ҳайвонотнинг ўзигина эҳтиёж сезмай, балки ўсимликлар ҳам уни хуш кўрар экан. Чунончи, анжир ниҳолини уч кун намокобга солиб қўйиб, сўнг экилса, меваси ширин бўлар экан. Дарахтлар ичида, айниқса, хурмо тузга «ошиқ» экан. Шу сабабли бодеҳқонлар йилда бир марта хурмо томирини очиб,туз солиб туришар экан.

А.АЛИЕВ тайёрлади.

QUTLOV

Барчамиз учун азиз бўлган Қобилжон Умаров!

Сизни қутлуғ 60 ёшингиз ва иш фаолиятингизга 30 йил тўлиши билан муборакбод этамиз. Бутун меҳнат фаолияти халқ таълими тизимида ҳайдовчи бўлиб ўтаётган, ҳалол меҳнатдан бахт топган Сиз мўътабар инсонга энг самимий тилакларимизни билдирамиз.

Ҳурмат билан турмуш ўртоғингиз ва фарзандларингиз

Yaxshilar oramizda

МАНГУЛИК БАХТИ

Ҳазрат Навоийнинг «Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин» сатрини ўқиб, бир фикр ёдимга тушди. Инсон сўзни кимдан урганади. Баъзан мана шу саволнинг жавоби ҳақида ўйлаганимда илк ўқитувчиларимга бўлган меҳрим яна бир карра ортади. Ва яна ...

Ўқитувчиларни кўрганимда, улар билан суҳбатлашганимда ҳар сафар Чеховнинг «замонамизнинг ҳаётбахш элементлари» деган сўзлари хаёлимга келаверади. Айнан зиёлилар ҳақида айтилган бу сўзлар уларга берилган энг қисқа ва гўзал таъриф каби туюлади, менга. Билмадим, балки бошқа соҳаларда шунчаки ишлаб кетиш мумкиндир, лекин ўқитувчилик касбида бунинг иложи йўқ. Эҳтимол, шаҳрисабзлик жонкуяр муаллим Карим Камоловнинг ўқитувчилик фаолияти юқоридаги сўзларимизнинг энг оддий шарҳлари бўла олар...

Шаҳрисабз туманидаги халқ таълими ходимлари Карим Камоловни яхши билишади. Унинг дарсида ўтириб, дарс ўтишини кузатган одам Карим ака ўз касбининг чинакам фидойиси эканини тезда илғаб олади. Ўқитувчилик фаолиятини бош тарбиячиликдан бошлаган Карим Камолов Бухоро Давлат педагогика олийгоҳида сиртдан ўқиш билан бирга Аброр Ҳидоятов номли мактабда ўқувчиларга тарих фанидан билим бериш билан ҳам машғул бўлди. Одатда мевасига қараб дарахтга осон таъриф беришади. Шунга ўхшаш Карим ака дарс берган синфларнинг тарих фанини яхши ўзлаштиришлари ҳам муаллим савиясига берилган энг тўғри баҳо бўлса керак.

Карим Камолов 1970 йилдан бери тумандаги Абдулла Набиев номли мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаб келяпти. Мактаб учун янги бино қурилишида, мактабдаги 500 та экспонатдан ташкил топган мўъжазгина музейнинг пайдо бўлишида Карим аканинг алоҳида ўрни бор.

Инсон фақат натижага қараб баҳо беради. Лекин шу натижалар нималар эвазига дунёга келганлиги ҳақида кўп ҳам ўйлайвермаймиз. Дейлик, Карим аканинг биз ҳозиргина санаб утган ютуқли ишлари йўлида озмунча пешона тери тўкилмагандир. Лекин яхшиямки дунёда ҳеч бир нарса изсиз кетмайди. Бу хил собит мезонларни тийран нигоҳли кишиларгина сезишлари мумкин. Шу ўринда айтиш мумкинки, Карим Камоловнинг таълим-тарбия соҳасидаги хизматлари ҳам муносиб тақдирланган. У «Ўзбекистон халқ таълими аълочиси» унвони ва қатор фахрий ёрлиқлар билан мукофотланган. Бундан ташқари, унинг яна бир катта мукофоти бор: юзлаб шогирдлари уни чинакамига ҳурмат қилишади. Бу 37 йиллик меҳнатнинг бесамар кетмаганидан нишонадир.

Ҳаммамиз мактаб даврини бир меҳр билан эслаймиз. Ҳар биримизнинг қунглимиз дафтарининг илк саҳифаларидан жой олган ўқитувчиларимиз бор. Шубҳасиз, Карим Камолов ҳам шундай ўқитувчилар жумласидан. Шу боис, у ҳақидаги сўзларимизни шундай якунлашни хоҳладик: «Эзгуликка дахлдор ишлар унутилмайди» .

Толмас ЖЎРАЕВ,
Жаҳон тиллари университетининг 3-курс толиби

Yangilik

«АРИАНА» ТАЪЛИМГА ХИЗМАТ КЎРСАТАДИ

Эндиликда пойтахтимизнинг «Узбекистон овози» ва Содиқ Азимов номидаги кучалари кесишиб ўтган манзилга йўлингиз тушар экан, шундоқ чорраҳа муюлишида қад ростлаган гўзал, гирдо-гирди ойнаванд бино эътиборингизни тортади. Пештоқига «Ариана» номи битилган бу ҳашамдор магазиннинг яқиндагина очилиш маросими бўлиб ўтди. Балким, шу тобда қунглингиздан, нечук газета ўз мавзусидан четлаб, дўкондан гап очиб қолди, деган фикр ўтгандир. Агар шундай бўлса, шошманг, аввал дўконга кириб кўрайлик-чи, эҳтимол излаган нарсангизни топгандай бўларсиз.

—Мактаб учун зарур бўладиган барча нарсаларни дўконимизда муҳайё қилиш — асосий мақсадимиз, - дейди мазкур магазин мудираси Комила Кофтунова. - Бундан буён мактаб мутасаддилари ўз таълим муассасаларини замонавий, кўркам жиҳозлаш учун қандай мебель ёки ўқув қуроллари ахтарар эканлар, уларнинг энг сифатлисини ва арзон нархдагисини бизнинг дўконимиздан топишлари мумкин, деб умид қиламан.

Дарҳақиқат, дуконда саф тортган стол-стуллар дейсизми, кутубхона учун, фан хоналари учун жиҳозлар тўплами дейсизми, доскаларми, барчаси ҳам ўз ясалиш тархига кўра кўркам, янги бир шаклда. (Дарвоқе, дукон курининши ва маҳсулотлари хусусида суратқаш мухбиримиз Шавкат Зуфаров олган суратлар ҳам ҳикоя қилиб турибди.) Бу ерда Менделеевнинг даврий элементлар жадвалию ёришадиган глобусни, турли кимёвий ашёлар парчаларию усимликлар барги коллекциясини, шунингдек, спорт анжомларини ҳам учратишингиз мумкин. Барчаси дарс машғулотларида фойдаланиш учун қулайлиги ва гигиеник жиҳатдан тозалиги билан эътиборни тортади.

Айни кунда бу ерда 20 нафар киши иш бошлади. Уларнинг барчаси харидорларга манзур хизмат кўрсатиш учун бирдек елиб-югуришмоқда. Мазкур дўконнинг ишга туширилиб, фаолият кўрсатишида Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг «Таълим-таъминот» Бош бошқармаси ва Американинг «Бедфордтрейдинг» ҳамда Украинанинг «Проминь» фирмалари ҳамкорликда саъй-ҳаракат қилдилар.

Ўйлаймизки, бугунги кунда биз учун зарур бўлган маҳсулотлар билан савдо қилувчи «Ариана» дўкони тез орада ўз харидорларини топиб олади.

Икром БЎРИБОЕВ

Xullas...

«ОВ» БАРОРИДАН КЕЛМАДИ

Куз келиши билан Йошкар-Ола овчилар жамиятининг аъзолари ўрдак овлашга чиқадилар. Аммо бу галги мавсум уларга омад келтирмади.

...Овчиларда шундай одат бор: мавсум бошланиши шарафига «киттак-киттак» отишади. Бу сафар ҳам бир жойга йиғилгач, қадрдон ҳавза қирғоғида гулхан ёқишди, кабобхўрлик қилишди, хуллас, отамлашдилар. Сўнгра мазза қилиб, хуррак отиб ухлашди.

Пешинга яқин туришиб, ён-атрофга қарашса, ўрдаклардан асар ҳам йўқ. «Тавба», дея елка қисишди. Қармоқда балиқ тутиб ўтирган чолнинг ахборот беришича, шаҳардан автобусда келган бир туда браконьерлар ўрдакларни гумдон қилишган. «Мерганлик бобида улар сизларни доғда қолдирар экан. Ўрдакларни худди тирда отгандай қулатаверишди», деб уларнинг ичларини куйдирди чол.

НОТЎҒРИ ТАШХИС ОҚИБАТИ

Шифокорларнинг беморга нотўғри ташхис қўйишлари ҳам баъзан бевақт ўлимга сабабчи бўлар экан.

Литванинг Мажейня шаҳри касалхонасига келтирилган эркакка врачлар шундай ташхис қўйишди: «Беморнинг бош оғриғига дори-дармон ёки алкоголдан заҳарланиш сабаб бўлган». Шифокорлар унинг бошидаги кичик ғуррага аҳамият беришмади ва ўз ташхислари буйича даволай бошлашди.

Лекин кўп ўтмай, йигит бандаликни бажо келтириб қолса денг! Ҳамма таажжубда. Суд-медицина экспертизаси шифокорларнинг ташхисини рад этиб, шундай хулоса чиқарди: марҳум бошини қаергадир қаттиқ уриб олган, ўлимига нотўғри қилинган уколлар сабабчи бўлган...

СЎНГГИ ПУШАЙМОН

Уй жиҳозларининг жойини алмаштириб туриш, одатда, киши кайфиятини ўзгартиради. Ахир, бир хил манзарани кўраверишнинг қизиғи йўқ-да.

Гаппнинг қисқаси, тюменлик эр-хотинлар хонадаги мебелларнинг ўрнини алмаштирмоқчи бўлишди. Улкан шкафни ўрнидан қўзғатиш анча қийин бўлди. Шкаф у ёқ-бу ёққа тебраниб, эр-хотинни босиб қолса бўладими? Фалокат оёқ остида, деганлари шу-да...

Энди эса иккаласи ҳам пушаймонда. Бирининг ўнг, иккинчисининг чап оёғи гипсда. «Шкаф жойида туравера бўлмасмиди?» дея бир-бирларига қараб афсус билан бош чайқашмоқда улар...

ana shunaqa gaplar...

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Навбатчилар:
Аҳмад ОТАБОЕВ,
Нурлан УСМОНОВ

Газетани IBM компьютерида Абдирасул Нарманов саҳифалади

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб— 136-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими— 136-55-58. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-0330. Тиражи 25.810. Ҳажми 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти -20.00. Топширилди-19.30. Г. 123456